



Ўзбекистон Республикаси Президентининг Фармони

ШОШИЛИНЧ ТИББИЙ ЁРДАМНИ ЯНАДА ТАКОМИЛЛАШТИРИШ ЧОРА-ТАДБИРЛАРИ ТЎҒРИСИДА

Қайд этилсинки, соғлиқни сақлаш соҳасини ислоҳ қилиш давлат дастурларини амалга ошириш бўйича аниқ мақсадга йўналтирилган ва изчил чора-тадбирлар амалга оширилиши натижасида аҳолига давлат томонидан кафолатли бепул тиббий ёрдам беришни таъминлайдиган шошилинч кечиктириб бўлмайдиган тиббий ёрдам кўрсатишнинг яхлит тизими ташкил этилди.

Республика шошилинч тиббий ёрдам маркази, унинг ҳудудий филиаллари, шунингдек, марказий туман ва шаҳар касалхоналари ҳузурида шошилинч тиббий ёрдам бўлимлари, шу жумладан, тез тиббий ёрдам ва санитария авиацияси хизмати ташкил

этилди ва фаолият кўрсатмоқда. Шошилинч тиббий ёрдам тизими муассасаларини юқори технологик тиббиёт ускуналари ва ихтисослаштирилган автотранспорт билан жиҳозлаш бўйича комплекс чора-тадбирлар амалга оширилди.

Амалга оширилган чора-тадбирлар ҳар йили 600 минг нафардан ортиқ беморни шошилинч тиббий ёрдам тизими муассасаларида стационарда даволашни, 1 миллион нафардан ортиқ беморга амбулаторияда тиббий ёрдам беришни таъминлаш, тез тиббий ёрдам хизмати томонидан бир йилда 7 миллиондан ортиқ қаҳиққон бажариш учун зарур шарт-шароитлар яратди.

Шу билан бирга, шошилинч тиббий ёрдам кўрсатишнинг самарадорлиги ҳали замонавий талабларга жавоб бермайдиган, тез тиббий ёрдам хизматларининг малакали кадрлар, дори воситалари, тиббиёт ускунаси, ихтисослаштирилган автотранспорт ва алоқа воситалари билан таъминланганлиги даражаси етарли эмаслигича қолмоқда. Кечиктириб бўлмайдиган тиббий ёрдам кўрсатишни бошқариш, мувофиқлаштириш ва назорат қилишнинг замонавий механизмларини, шунингдек, шошилинч тиббиёт соҳасида маҳаллий илмий-амалий ишланмаларни жорий этишга етарлича эътибор берилмапти.

(Давоми 6-бетда.)

ЎЗБЕКИСТОН ПРЕЗИДЕНТИНИНГ ҚОЗОҒИСТОНГА ДАВЛАТ ТАШРИФИГА ДОИР

Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёев Қозоғистон Республикаси Президенти Нурсултон Назарбаевнинг таклифи биноан 2017 йил 22-23 март кунлари давлат ташрифи билан Қозоғистонда бўлади.

Олий даражадаги учрашув ва музокараларда Ўзбекистон ва Қозоғистон ўртасидаги сиёсий, савдо-иқтисодий, инвестициявий, транспорт-коммуникация, маданий-гуманитар ва бошқа соҳалардаги ҳамкорликнинг бугунги ҳолати ва уни ривожлантириш истиқболлари, шунингдек, минтақавий ва халқаро сиёсатнинг долзарб масалалари муҳокама қилинади.

Давлатимиз раҳбарининг ташрифи доирасида Остона шаҳрида Ўзбекистон Миллий саноат кўргазмаси ва икки мамлакат ишбилармон доираларининг нуфузли делегациялари иштирокида қўшма бизнес-форум ўтказилиши кўзда тутилган.

Ташриф якунлари бўйича давлатлараро, ҳукуматлараро ва идоралараро бир қатор муҳим ҳужжатлар, шунингдек, Ўзбекистон — Қозоғистон ҳамкорлигини сифат жиҳатидан янги босқичга кўтаришга қаратилган салмоқли тижорий шартнома-лар имзоланиши режалаштирилган.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг Қарори

ЎРТА МАХСУС, КАСБ-ҲУНАР ТАЪЛИМИ МУАССАСАЛАРИ ФАОЛИЯТИНИ ЯНАДА ТАКОМИЛЛАШТИРИШ ЧОРА-ТАДБИРЛАРИ ТЎҒРИСИДА

Академик лицейларда ўқув жараёни сифати ва самарадорлигини тубдан ошириш, академик лицейларда умумтаълим мактабларининг энг қобилиятли битирувчиларини жамлаш, умумтаълим мактаблари битирувчиларининг танланган касблар ва мутахассисликларни эгаллаб олишга бўлган эҳтиёжини қондириш учун шарт-шароитларни янада кенгайтириш мақсадида:

1. Ўзбекистон Республикаси Иқтисодийёт вазири, Молия вазири, Олий ва ўрта махсус таълим вазири, Маданият вазири, Соғлиқни сақлаш вазири, Ўзбекистон Республикаси Олий ва ўрта махсус таълим вазири, Ўзбекистон Республикаси Олий ва ўрта махсус, касб-ҳунаар таълими марказининг рес-

публикада фаолият кўрсатаётган академик лицейлар сонини оптималлаштиришни, академик лицейларда ўқув жараёни сифатини тубдан яхшилаш чора-тадбирлари амалга оширилишини назарда тутуви, жумладан:

моддий-техник ва ўқув-педагогик базаси нисбатан паст даражали 1-иловага мувофиқ тўртта академик лицейни тугатиш, тугатилмаётган академик лицейларнинг 1-босқичларига ўқувчиларни қабул қилишни 2017/2018 ўқув йилидан бошлаб тўхтатиш;

фаолияти кўрсаткичлари энг паст бўлган 2-иловага мувофиқ 54 та академик лицейни босқичма-босқич касб-ҳунаар коллежларига айлантириш;

(Давоми 2-бетда.)

Ўзбекистон Республикаси Президентининг Қарори

ТОШКЕНТ АХБОРОТ ТЕХНОЛОГИЯЛАРИ УНИВЕРСИТЕТИНИНГ ФАОЛИЯТИНИ ЯНАДА ТАКОМИЛЛАШТИРИШ ЧОРА-ТАДБИРЛАРИ ТЎҒРИСИДА

VIII-IX асрларда Шарқда яшаб ижод этган улуғ аллома Муҳаммад ал-Хоразмий математика, геометрия, астрономия, тарих, география ва бошқа фанларга доир кўплаб рисоалар ёзган. У “ноль” рақамини ва ўнлик санок тизимини ҳамда кутблар координатларини биринчилардан бўлиб асослаб берган ва амалиётга татбиқ этган. Муҳаммад ал-Хоразмий алгебра фанига ва алгоритмлаштириш назариясига асос солган, илмий маълумот ва трактатларни баён этишнинг аниқ қоидаларини ишлаб чиққан.

Ўнлик санок тизими, алгебра ва алгоритмлаштириш

йўналишларида дунё илм-фани ривожигаги хизматлари умумэтироф этилган Шарқ олимлари орасида фақат Муҳаммад ал-Хоразмийнинг асарлари ва номи илмий давраларда фаол қўлланиб келинаётган “алгоритм” ва “алгебра” каби замонавий илмий атамаларда абадийлашди. Бугунги кунда юқори технологияларга асосланган замонавий ахборот-коммуникация технологиялари соҳасида бажарилаётган барча ҳисоблаш амалларига буюк олим Муҳаммад ал-Хоразмийнинг илмий кашфиётлари асос бўлиб хизмат қилмоқда.

(Давоми 4-бетда.)

“Насими Наврўз”

Навоий ижодида
бахор талқини

Ернинг магнит майдони

хавфли космик
нурланишдан ҳимоя
қилади

Бизга яқин “бегона ўт”лар

вужудимизга қувват,
руҳиятимизга
тетиклик бахш этади

Ўзбекистон Республикаси Президентининг Қарори

ЎРТА МАХСУС, КАСБ-ХУНАР ТАЪЛИМИ МУАССАСАЛАРИ ФАОЛИЯТИНИ ЯНАДА ТАКОМИЛЛАШТИРИШ ЧОРА- ТАДБИРЛАРИ ТЎҒРИСИДА

(Давоми. Боши 1-бетда.)

касб-хунар коллежлари-га айлантирилаётган академик лицейларнинг 2- ва 3-босқичлари ўқувчилари контингентини касб-хунар коллежларига айлантирилаётган академик лицейларнинг биноларида амалдаги ўқув дастурлари ва ўқитиш шартлари бўйича белгиланган тартибда ўқитишни тугаллаш;

3-иловага мувофиқ ўқув жараёни самарадорлигини янада ошириш ва академик лицейлар битирувчиларининг олий таълим муассасаларига ўқишга кириши кўрсаткичларини ошириш чора-тадбирлари дастури ҳақидаги таклифи қабул қилинсин.

2. Олдин баён қилинганлар билан биргаликда қуйидагилар академик лицейларининг муҳим вазифалари ва фаолияти йўналишлари этиб белгилансин:

умумтаълим мактабларининг энг истеъдодли ўқувчиларини танлаш, уларнинг интеллектуал қобилиятларини янада ривожлантириш ва ўқишни олий таълим муассасаларида давом эттиришга мақсадли чуқур тайёрлаш; ўқувчиларнинг ижодий салоҳияти намоён бўлиши ва фаоллашишига кўмаклашувчи, индивидуал истеъдодларни ва ҳар бир ўқувчининг қобилиятлари ҳамда хусусиятларини ҳисобга олган ҳолда билмларни эгаллаб олиш жараёнида мустақил фаолият кўникмаларини шакллантирувчи ва ривожлантирувчи таълим муҳитини яратиш;

илғор маҳаллий ва хорижий таълим муассасаларининг тажрибасини ҳисобга олган ҳолда таълим жараёнини ташкил этишнинг замонавий шакллари жорий этиш ва унинг мазмунини доимий равишда янгиллаб бориш.

3. Белгилаб қўйилсинки: касб-хунар коллежларига айлантирилаётган академик лицейларнинг 2- ва 3-босқичлари ўқувчилари таълим якунланган ҳолда жойлашган таълим йўналиши ўхшаш бўлган академик лицейларда якуний давлат аттестациясини топширадилар ва давлат намунасидаги академик лицей битирувчиси дипломини оладилар;

академик лицейларда ўқув гуруҳлари таркиби 26 нафар ўқувчидан ортқ бўлмаган тарзда шакллантирилади;

чуқурлаштирилиб ўрганиладиган фанлар (таълим йўналишлари) бўйича академик лицейларда амалий, лаборатория ва семинар машғулоти гуруҳларни икки кичик гуруҳга бўлиш йўли билан ташкил этиладиган кичик гуруҳларда ўтказилади;

академик лицейларда ходимларни педагогик фаолиятга жалб этиш олий маълумотли ва камида 5 йил узлуксиз педагогик иш стажига эга бўлган шахслар орасидан танлов асосида амалга оширилади;

академик лицейлар директорларининг бўш лавозимларини эгаллашга танловда иштирок этиш учун номзодлар бўйича таклифлар Ўрта махсус, касб-хунар таълими тизимининг бошқарув органлари раҳбар кадрларини танлаш, тайинлаш ва аттестациядан ўтказиш бўйича республика комиссиясига академик лицейлар бириктирилган олий таълим муассасалари ректорлари томонидан киритилади;

2017/2018 ўқув йилидан бошлаб академик лицейлар ўқувчиларини умумтаълим фанлари бўйича дарсликлар билан таъминлаш Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлиги ҳузуридаги бюджетдан ташқари Республика мақсадли китоб жамғармасининг маблағлари ҳисобига ижара асосида амалга оширилади, умумтаълим фанлари бўйича дарсликлар билан таъминлаш бюджет маблағлари ҳисобига бепул асосда амалга ошириладиган кам таъминланган оилалардан бўлган ўқувчилар бундан мустасно;

академик лицейларнинг битирувчиларига 4-иловага мувофиқ рўйхат бўйича махсус чуқурлаштирилган тайёргарликни талаб этмайдиган алоҳида мутахассисликлар берилади.

4. Ўзбекистон Республикаси Олий ва ўрта махсус таълим вазирлигининг Ўрта махсус, касб-хунар таълими маркази манфаддор вазирликлар ва идоралар, маҳаллий ижро этувчи ҳокимият органлари билан биргаликда:

бир ой муддатда академик лицейлар битирувчи-

ларига мутахассисликлар бериш тартибини, шунингдек, академик лицейлар битирувчиларига мутахассисликлар бериш тўғрисидаги давлат намунасидаги сертификат намунасини ишлаб чиқсин ва тасдиқласин;

икки ой муддатда академик лицейларга ўқитувчиларни танлов асосида ишга қабул қилиш тартиби тўғрисидаги низомни, шунингдек, академик лицейлар ўқувчиларини дарсликлар билан таъминлаш тартиби тўғрисидаги низомни ишлаб чиқсин ва тасдиқласин;

уч ой муддатда тўпланган ижобий тажрибани ҳисобга олган ҳолда академик лицейларнинг ўқув режалари ва дастурларини танқидий қайта ишлаб чиқиб, белгиланган тартибда тасдиқласин, бунда ўқитишнинг 3-босқичидан бошлаб чуқурлаштирилиб ўрганиладиган фанлар бўйича ўқитиш соатлари сонини кўпайтирган ҳолда қайта тақсимлашни назарда тутсин;

ўқувчилар контингентини қайта тақсимлашни, уларни юқори малакали ўқитувчи кадрлар билан таъминлашни, кадрлар тайёрлаш йўналишларига мувофиқ зарур ўқув-лаборатория ускуналари, компьютер техникаси, ўқув-норматив ҳужжатлар, ўқув ва методик адабиётлар билан жиҳозлашни ҳисобга олган ҳолда ўрта махсус, касб-хунар таълимининг қайта ташкил этиладиган муассасаларида ўқув-тарбия жараёни сифатли ташкил этилишини таъминласин.

5. Ўзбекистон Республикаси Олий ва ўрта махсус таълим вазирлиги, тасарруфда олий таълим муассасалари бўлган манфаддор вазирликлар ва идоралар таълим-тарбия жараёни сифатини оширишда, шунингдек, академик лицейларнинг ўқитувчилар таркиби малакасини оширишда бириктирилган академик лицейларга тизимли асосда ҳар томонлама методик ва амалий ёрдам кўрсатилишини таъминласинлар.

6. Олий таълим муассасалари раҳбариятига олий таълим муассасаларининг бюджетдан ташқари маблағлари (пуллик-контракт асосида ўқитиш учун тушумлар бундан мустасно)

ҳисобига бириктирилган академик лицейлар учун ўқув-лаборатория ускунаси, сарфлаш материаллари, компьютер техникаси ва бошқа ташкилий техника, дарсликлар ва ўқув қўлланмалари сотиб олиш хукуқи берилсин.

7. Ўзбекистон Республикаси Олий ва ўрта махсус таълим вазирлигининг Ўрта махсус, касб-хунар таълими маркази Ўзбекистон Республикаси Халқ таълими вазирлиги билан биргаликда академик лицейларни айрим фанлар чуқур ўрганиладиган давлат ихтисослаштирилган умумтаълим муассасаларига бириктириш ҳамда таълимнинг узлуксизлиги ва узвийлиги тамойилларига риоя қилган ҳолда иқтидорли ўқувчилар билан иш олиб бориш доирасида улар ўртасида ўзаро амалий ҳамкорлик механизмини назарда тутувчи Низомни уч ой муддатда ишлаб чиқсин ва тасдиқласин.

8. Ўзбекистон Республикаси Иқтисодиёт вазирлиги, Молия вазирлиги, Олий ва ўрта махсус таълим вазирлигининг Ўрта махсус, касб-хунар таълими маркази, Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгаши, вилоятлар ва Тошкент шаҳри ҳокимликлари Ўзбекистон Республикасининг ҳар йилги Инвестиция дастури лойиҳасини ва қурилишларнинг манзилли рўйхатларини шакллантиришда академик лицейлар негизда ташкил этиладиган касб-хунар коллежлари учун янги ўқув устоналари қуришга маблағлар ажратилишини назарда тутсинлар.

9. Ўзбекистон матбуот ва ахборот агентлиги, Молия вазирлиги, Ўзбекистон Республикаси Олий ва ўрта махсус таълим вазирлигининг Ўрта махсус, касб-хунар таълими маркази Ўзбекистон Республикаси Олий ва ўрта махсус таълим вазирлигининг Ўрта махсус, касб-хунар таълими маркази томонидан ҳар йили шакллантириладиган прогноз квоталарни ҳисобга олган, шу жумладан, дарсликлар чакана тармоқ орқали эркин сотилишини назарда тут-

ган ҳолда зарур тиражда ва номларда сифатли замонавий дарсликлар ишлаб чиқиши ва босиб чиқарилиши самарали ташкил этилишини таъминласинлар.

10. Молия вазирлиги, Олий ва ўрта махсус таълим вазирлигининг Ўрта махсус, касб-хунар таълими марказининг олий таълим муассасаларининг академик лицейларга ўқитувчилик фаолиятига меҳнатга соатбай ҳақ тўлаш шартларида жалб этиладиган профессор-ўқитувчилар таркиби меҳнатига соатбай ҳақ тўлаш миқдорларини олий таълим муассасалари талабалари билан ўқув машғулоти олиб бориладиган меҳнатга соатбай ҳақ тўлаш миқдорларига тенглаштириш тўғрисидаги таклифи қабул қилинсин.

11. Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлиги ҳар йили Ўзбекистон Республикаси Давлат бюджетини шакллантиришда унинг параметрларида ушбу қарорни бажариш билан боғлиқ харажатларни қоплашга "Маориф" тармоғи бўйича ажратилган маблағлар доирасида зарур маблағлар ажратилишини назарда тутсин.

12. Ўзбекистон Республикаси Олий ва ўрта махсус таълим вазирлигининг Ўрта махсус, касб-хунар таълими маркази манфаддор вазирликлар ва идоралар билан биргаликда бир ой муддатда:

қонун ҳужжатларига ушбу қарордан келиб чиқувчи ўзгартириш ва қўшимчалар тўғрисида Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасига таклифлар киритсин;

идоравий норматив-ҳукуқий ҳужжатлар ушбу қарор қоидаларига мувофиқлаштирилишини таъминласин.

13. Маскур қарорнинг бажарилишини назорат қилиш Ўзбекистон Республикасининг Бош вазири А.Н.Арипов ва Ўзбекистон Республикаси Президентининг Давлат маслаҳатчиси А.Н.Юнусходжаев зиммаларига юклансин.

Ўзбекистон Республикаси
Президенти

Ш.МИРЗИЁЕВ

Тошкент шаҳри,
2017 йил 14 март

2017-yil 18-mart, № 22 (8983)

Ўзбекистон Республикаси Президентининг “Ўрта махсус, касб-хунар таълими муассасалари фаолиятини янада такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги қарорига шарҳ

Мамлакатимизда истиқлолнинг дастлабки йилларидан бошлаб таълим-тарбия тизimini ривожлантириш давлат сиёсати даражасига кўтарилиб, фарзандларимизнинг жaxon андозаларига мос шароитларда замонавий билим ва касб-хунарларни эгаллашлари, жисмоний ва маънавий жиҳатдан етук инсонлар бўлиб вояга етишларини таъминлаш, уларнинг қобилият ва истеъдоди, интеллектуал салоҳиятини рўёбга чиқариш, ёшларимиз қалбига она юртга садоқат ва фидойилик туйғуларини камол топтириш борасида улкан ишлар амалга оширилмоқда.

Ўзбекистон Республикасининг “Таълим тўғрисида”ги Хонуни ва Кадрлар тайёрлаш миллий дастурининг мақсад ва вазифалари ҳаётга изчил жорий этилиши натижасида юртимизда 1 минг 500 дан зиёд ўрта махсус, касб-хунар таълими муассасалари барпо этилди.

Мамлакатимиздаги 1411 касб-хунар коллежида ёшларимиз бир неча ихтисослик бўйича замонавий билим ва касб-хунарларни эгаллаб келмоқда.

Шунингдек, олий таълим муассасалари қошида 144 та академик лицей ташкил этилган бўлиб, уларда аниқ, табиий, ижтимоий-гуманитар фанлар, хорижий тиллар ҳамда маданият ва санъат йўналишлари бўйича, янги педагогик ва информацион технологиялар асосида замонавий ўқув-лаборатория асбоб-ускуналари билан жиҳозланган кабинетларда ёш авлодга пухта билим берилмоқда. Ушбу масканларни ҳар йили ўртача 35 минг нафар йигит-қиз битириб чиқмоқда.

Академик лицейларнинг фаолиятини улар жойлашган ҳудуднинг демография, иқтисодий ва бошқа омилларини ҳамда битирувчиларнинг олий таълим муассасаларига ўқишга кириш натижалари нўқтаи назаридан олиб борилган таҳлиллар бу соҳадаги ишларнинг қониқарли эмаслигини кўрсатмоқда. Ҳозирги пайтга келиб академик лицейлар сонини оптималлаштириш, улардаги таълим сифатини ошириш ва мазмунини янгилаш, уларни битириб чиқаётган ёшларнинг олий таълим муассасаларига ўқишга кириш кўрсаткичларини тубдан яхшилаш бўйича қатор чора-тадбирларни амалга ошириш зарурати пайдо бўлмоқда.

Мазкур соҳадаги мавжуд муаммоларни ҳал этиш мақсадида Ўзбекистон Республикаси Президентининг “Ўрта махсус, касб-хунар таълими муассасалари фаолиятини янада такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги қарори қабул қилинди.

Ушбу қарор академик лицейларда ўқув жараёнининг сифати ва самарадорлигини ошириш, бу масканларда таълим бериш учун умумтаълим мактабларининг энг қобилиятли битирувчиларини саралаб олиш, ёшларнинг ўзлари танлаган касб ва мутахассисликларни эгаллашга бўлган озу-интилишларига эришмоғи учун янада кенг шароитлар яратиш каби аниқ мақсадларга йўналтирилган бўлиб, унда қуйидаги аниқ вазифаларни амалга ошириш кўзда тутилган:

бугунги кунда моддий-техник ва ўқув-методик базаси замонавий талабларга жавоб бермайдиган 4 та академик лицей фаолияти тугатилади ҳамда олий таълим муассасаларидан узоқда жойлашган, таълим сифати ва битирувчиларининг институт ва университетларга ўқишга кириш кўрсаткичлари паст бўлган 54 та академик лицей босқичма-босқич касб-хунар коллежларига айлантирилади;

инвестиция дастури лойиҳаси ва қурилышларнинг манзилли рўйхатларини шакллантиришда академик лицейлар негизда ташкил этиладиган касб-хунар коллежлари учун янги ўқув устaxonалари қуриш учун маблағлар ажратишга алоҳида эътибор қаратилади;

касб-хунар коллежларига айлантирилаётган академик лицейларнинг 2- ва 3-босқич ўқувчилари ўқишни тугатган, яқин ҳудудда жойлашган, таълим йўналиши ўзлаш бўлган академик лицейларда якуний давлат аттестациясини топширади ва давлат намунасидаги академик лицей битирувчиси дипломини олади;

олий таълим муассасаларининг юқори малакали профессор-ўқитувчиларини академик лицейларда дарс беришга кенгроқ жалб қилиш мақсадида академик лицейлардаги ўқитувчилик фаолиятига соатбай ҳақ тўлаш миқдори олий таълим муассасаларида меҳнатга соатбай ҳақ тўлаш миқдoriga тенглаштирилади;

таълимнинг узлуқсизлиги ва узвийлик тамойилларига риоя қилган ҳолда иқтидорли ўқувчилар билан иш олиб бориш

доирасида айрим фанлар чуқур ўқитиладиган ихтисослаштирилган давлат умумтаълим мактаблари билан академик лицейлар ўртасида ўзаро таъсирчан ҳамкорлик механизми йўлга қўйилади.

Академик лицейларда таълим сифатини ошириш, таълим жараёнига илғор педагогик усуллар, ахборот-коммуникация технологиялари, электрон таълим ресурслари ва мультимедиа тақдиротларини кенг татбиқ қилиш ва бунинг учун зарур шарт-шароитларни яратиш мақсадида:

ўқув гуруҳлари таркиби 26 нафар ўқувчидан ортиқ бўлмаган тарзда шакллантирилади; чуқурлаштириб ўқитиладиган фанлар (таълим йўналишлари) бўйича амалий, лаборатория ва семинар машғулотлари гуруҳларга бўлинган тарзда, яъни иккита кичик гуруҳда ўтказилиши йўлга қўйилади;

педагоглар таркиби олий маълумотли ва камида 5 йиллик узлуқсиз педагогик иш стажига эга бўлган малакали ўқитувчилар орасидан танлов асосида шакллантирилади.

Яна бир муҳим янгилик шундан иборатки, академик лицейлар директорлиги учун номзодлар академик лицейлар бириктирилган олий таълим муассасалари ректорлари томонидан tavsiya этилиши белгиланмоқда.

2017/2018 ўқув йилидан бошлаб академик лицейлар ўқувчиларини умумтаълим фанлари бўйича дарсликлар билан таъминлаш Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлиги ҳузуридаги Бюджетдан ташқари республика мақсадли китоб жамғармасининг маблағлари ҳисобидан ижара тизими асосида амалга оширилади. Кам таъминланган оилалар фарзандлари умумтаълим фанлари бўйича дарсликлар билан бюджет маблағлари ҳисобидан бепул таъминланади.

Яна бир муҳим жиҳати шундаки, қарорда академик лицейлар битирувчиларига аниқ мутахассисликлар бўйича билим ва кўникмалар бериш кўзда тутилган бўлиб, таълим жараёни якунига етганидан сўнг уларга давлат намунасидаги сертификат берилади.

Қарорда таълим жараёни сифатини ошириш ва академик лицейлар битирувчиларининг олий таълим муассасаларида ўқишни давом эттириши учун алоҳида чора-тадбир-

лар ишлаб чиқилган. Унда:

академик лицей ўқувчиларининг бириктирилган олий таълим муассасалари ахборот-ресурс марказлари ва бошқа моддий-техника базасидан фойдаланиш имкониятини кенгайтириш;

ҳар бир академик лицейда ўқувчиларнинг индивидуал қобилиятидан келиб чиқиб, илғор педагогик ва ахборот-коммуникация технологиялари, электрон таълим ресурслари, ўқувчиларнинг ижодий ва мустақил изланишларига йўналтирилган дастурларни ишлаб чиқиш;

олий таълим муассасаларининг тажрибали профессор-ўқитувчиларини академик лицейларнинг педагог кадрларига патронаж сифатида бириктириш;

олий таълим муассасалари фаолиятига баҳо беришда улар томонидан таълим самарадорлигини ошириш бўйича академик лицейлар билан ҳамкорликда олиб борилаётган ишларга алоҳида эътибор қаратиш назарда тутилган. Бу борада семинар-тренинглари ташкил этиш, таълим жараёнига ахборот-коммуникация технологияларини кенг жорий қилиш, хорижий тилларни ўзлаштириш, тажрибали профессор-ўқитувчилар иштирокида доимий маҳорат дарсларини ўтказиш, академик лицей ўқитувчиларига илмий-услубий ёрдам кўрсатиш бўйича олиб борилаётган ишларни баҳолаш мезонларини ишлаб чиқиш каби масалалар қамраб олинган.

Бундан ташқари, қарорда академик лицейлар негизда босқичма-босқич ташкил этилаётган касб-хунар коллежлари учун зарур устaxonаларни барпо этиш ва жиҳозлаш, шунингдек, соатбай асосида академик лицейларда фаолият кўрсатувчи профессор-ўқитувчиларнинг ойлик маошини ошириш учун давлат бюджетидан зарур маблағлар ажратилиши кўзда тутилган.

Бир сўз билан айтганда, қарорда кўзда тутилган чора-тадбирларнинг амалга оширилиши натижасида академик лицейларда ўқитиш сифати ва самарадорлигини янада ошириш, иқтидорли ёшларни ҳар томонлама қўллаб-қувватлаш ва мақсадли таълимга йўналтириш, фарзандларимизнинг танланган мутахассисликларини пухта эгаллашлари учун зарур шароитларни яратишга кенг имкониятлар очилади.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг Қарори

ТОШКЕНТ АХБОРОТ ТЕХНОЛОГИЯЛАРИ УНИВЕРСИТЕТИНИНГ ФАОЛИЯТИНИ ЯНАДА ТАКОМИЛЛАШТИРИШ ЧОРА-ТАДБИРЛАРИ ТЎҒРИСИДА

(Давоми. Боши 1-бетда.)

Улуғ аллома Муҳаммад ал-Хоразмийнинг буюк ва бебаҳо меросини қадрлаш, асраб-авайлашнинг нақадар муҳимлигини ёш авлод онгига чуқур сингдириш, шунингдек, ёшларга таълим-тарбия бериш ва илм-фаннинг юксак марраларини забт этиш учун шарт-шароитлар яратиш ҳамда республика иқтисодиётининг етакчи тармоқлари ва соҳалари учун ахборот-коммуникация технологиялари соҳасида юқори малакали мутахассислар тайёрлаш тизимини янада такомиллаштириш мақсатиди:

1. Ўзбекистон Республикаси Ахборот технологиялари ва коммуникацияларини ривожлантириш вазирлиги, Олий ва ўрта махсус таълим вазирлигининг Тошкент ахборот технологиялари университети (кейинги ўринларда Университет деб юритилади) Муҳаммад ал-Хоразмий номини бериш тўғрисидаги таклифи маъқуллансин.

2. Ўзбекистон Республикаси Ахборот технологиялари ва коммуникацияларини ривожлантириш вазирлиги, Олий ва ўрта махсус таълим вазирлиги Ўзбекистон Республикаси Фан ва технологиялар агентлиги билан биргаликда 2017/2018 ўқув йилидан бошлаб Университетда улуғ аллома Муҳаммад ал-Хоразмийнинг номи абадийлаштириш ҳамда унинг буюк ва бебаҳо меросини кенг ўрганиш билан боғлиқ қуйидаги тadbирларни амалга оширсин:

иқтисодиётнинг етакчи тармоқлари ва соҳаларида таълим, илм-фан ва ишлаб чиқаришнинг мустахкам алоқаларини таъминлаш учун ахборот-коммуникация технологиялари соҳасида республика ва халқаро кўлаmda илмий-амалий анжуманлар ташкил этиш;

олий таълим муассасалари талабалари ўртасида ахборот-коммуникация технологиялари соҳасида, шу жумладан, дастурий махсулотларни яратиш борасида танлов ва олимпиадалар ўтказиш;

Университетнинг иқтидорли талабалари учун бериладиган Муҳаммад

ал-Хоразмий номидаги стипендияни жорий этиш; республиканинг етакчи олимлари, хусусан, академиклар ва фан арбоблари иштирокида олий таълим муассасалари талабалари, ёш олимлар, профессор-ўқитувчилар билан илмий учрашувлар ҳамда давра суҳбатларини ташкил этиш;

математик моделлаштириш, алгоритмлаш ва криптология соҳаларида, компьютер ва дастурий инжиниринг, телекоммуникация ва телевизион технологиялари, ахборот хавфсизлиги йўналишларида замонавий ўқув адабиётларини ишлаб чиқиш, уларнинг мультимедиа авлодларини яратиш ҳамда талабалар, олимлар ва педагогларнинг ушбу ўқув адабиётларидан эркин фойдаланишлари учун уларни электрон ресурсларга жойлаштириш;

оммавий ахборот воситаларида ҳамда Ziyonet миллий таълим тармоғида улуғ аллома, қомусунос олим Муҳаммад ал-Хоразмийнинг ҳаёти ва ижодини ёритувчи мақола ва материалларни бериб бориш;

замонавий технологияларга асосланган илм-фаннинг янги қирраларини тадқиқ этиш учун янги ўқув ва илмий-тадқиқот лабораторияларини ташкил этиш;

иқтидорли талабалар, ёш олимлар ва профессор-ўқитувчиларнинг иштирокида илмий-тадқиқот ишлари натижалари ва илмий мақолалари даврий равишда эълон қилиб бериладиган "Муҳаммад ал-Хоразмий авлодлари" номли илмий журнални таъсис этиш;

2018 йилда Муҳаммад ал-Хоразмий таваллудининг 1235 йиллигини кенг нишонлаш юзасидан илмий-амалий ва маънавий-маърифий тadbирларни амалга ошириш.

3. Университет ҳузуридаги Дастурий махсулотлар ва аппарат дастурий мажмуалар яратиш маркази негизда юридик шaxs мақомига эга бўлган Ахборот-коммуникация технологиялари илмий-инновацион маркази (кейинги ўринларда Марказ деб юритилади) ташкил этилсин ва унинг асосий вазифалари этиб қуйидагилар белгилансин:

республика иқтисодиётининг етакчи тармоқлари ва соҳалари учун реал эҳтиёжларни ҳисобга олиб, ички ва ташқи бозорларда рақобатдош, сифатли маҳаллий дастурий махсулотларни, энг аввало, Университетда таълим олаётган талабаларни кенг жалб этган ҳолда ишлаб чиқиш;

ахборот-коммуникация технологиялари соҳасида илмий мактабларни янада ривожлантириш, ёш олимлар ва илмий-педагог хodимлар меҳнатини рағбатлантириш, уларнинг илмий-тадқиқот ҳамда тажриба-конструкторлик ишларини тижоратлаштиришни ташкил қилиш;

иқтисодиётнинг етакчи тармоқлари ва соҳалари буюртмалари асосида бошқарув, ишлаб чиқариш, бизнес ва бошқа йўналишдаги жараёнларни автоматлаштиришни тизимли илмий таҳлил қилиш, уларнинг моделларини ҳамда алгоритмларини ишлаб чиқиш ва жорий этиш;

республикада юқори технологияларга асосланган техник ва дастурий махсулотларни яратиш, импорт ўрнини босувчи қурилмаларни маҳаллийлаштириш ва экспортбоп қурилмаларни ишлаб чиқиш юзасидан фундаментал ва амалий илмий-тадқиқот ишларини олиб бориш;

давлат илмий-техник грантлари ва хўжалик шартномалари асосида илмий-тадқиқот ишларини амалга ошириш;

Университет талабалари, мутахассислари ва ёш илмий хodимларини миллий дастурий махсулотлар ва аппарат дастурий мажмуаларни яратиш бўйича илмий-тадқиқот лойиҳаларига кенг жалб этиш;

хорижий мамлакатларнинг ахборот-коммуникация технологиялари соҳасидаги илғор илмий-тадқиқот марказлари билан ўзаро манфаатли ҳамкорликни йўлга қўйиш.

4. Марказ Университет ҳузуридаги Дастурий махсулотлар ва аппарат дастурий мажмуалар яратиш марказининг барча ҳуқуқлари ва мажбуриятлари бўйича ҳуқуқий вориси бўлиб ҳисобланади.

5. Университет қошида юридик шaxs мақомига эга бўлмаган Илмий-ин-

новацион ривожлантириш жамғармаси (кейинги ўринларда Жамғарма деб юритилади) ташкил этилсин ва унинг маблағларини шакллантириш манбалари этиб мобил алоқа хизматлари кўрсатадиган юридик шахслар (уяли алоқа компаниялари) томонидан абонент рақамидан фойдаланганлик учун тўланадиган тўловдан тушадиган маблағларнинг 1,0 фоиз миқдоридagi ажратмалар ва қонун ҳужжатлари билан тақиқланган бошқа тушумлар белгилансин.

6. Жамғарма маблағларидан фойдаланишнинг асосий йўналишлари этиб қуйидагилар белгилансин:

Университет учун ўқув дарсликлар ва илмий адабиётларни яратиш ва нашр этиш, шу жумладан, хорижий адабиётларни харид қилиш, унинг иқтидорли талабалари учун бериладиган Муҳаммад ал-Хоразмий номидаги стипендия харажатларини қоплаш ва "Муҳаммад ал-Хоразмий авлодлари" номли илмий журнал нашр этилишини молиявий қўллаб-қувватлаш;

Университет ва Марказнинг ахборот технологиялари ва коммуникацияларини ривожлантириш соҳасидаги илмий-тадқиқот ва тажриба-конструкторлик ишларини танлов асосида молиялаштириш, уларнинг илмий ва ўқув лабораторияларини замонавий асбоб-ускуналар, зарур сарфланувчи материаллар ва бутловчи қисмлар билан таъминлаш;

Университетнинг иқтидорли талабалари, профессор-ўқитувчилари ва ёш илмий хodимларини етакчи хорижий олий таълим муассасалари ҳамда илмий-тадқиқот марказларида тайёрлаш, қайта тайёрлаш ва малакасини ошириш, шунингдек, Университетда дарс бериш ва Марказда илмий тадқиқотлар ўтказиш учун юқори малакали хорижий мутахассислар ва олимларни жалб қилиш.

Жамғарма маблағларини бошқариш вазифаси Университетнинг Васийлик кенгашига юклансин.

7. Ўзбекистон Республикаси Ахборот технологиялари ва коммуникацияларини ривожлантириш вазирлиги икки ой муддатда:

Университет ва Марказнинг тузилмасини ва уставишни тасдиқласин ҳамда белгиланган тартибда давлат рўйхатидан ўтказилишини таъминласин;

Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлиги ҳамда бошқа манфаатдор вазирлик ва идоралар билан биргаликда Жамғарма маблағларини шакллантириш ва ундan фойдаланиш тартиби тўғрисидаги низомни тасдиқлаш ҳақидаги Ҳукумат қарори лойиҳасини киритсин;

бошқа манфаатдор вазирлик ва идоралар билан биргаликда қонун ҳужжатларига ушбу қарордан келиб чиқадиган ўзгартириш ва қўшимчалар тўғрисида Вазирлар Маҳкамасига таклифлар киритсин.

8. Ўзбекистон Республикаси Марказий банкига ва тижорат банклариغا Университетнинг буюртманомалари бўйича Жамғарма маблағлари ҳисобидан хориждан сотиб олинadиган замонавий илмий асбоб-ускуналар, бутловчи қисмлар ҳамда хорижий илмий адабиётлар учун зарур бўлган пул маблағларини конвертация қилиш тавсия этилсин.

9. Ўзбекистон Республикаси Президентининг "Ўзбекистон Республикасининг 2017 йилги асосий макроиктисодий кўрсаткичлари прогнози ва Давлат бюджети параметрлари тўғрисида" 2016 йил 27 декабрдаги ПҚ-2699-сонли қарорига иловага мувофиқ ўзгартириш киритилсин.

10. Мазкур қарорнинг бажарилишини назорат қилиш Ўзбекистон Республикасининг Бош вазир А.Н.Арипов ва Ўзбекистон Республикаси Президентининг Давлат маслаҳатчиси А.Н.Юнусходжаев зиммаларига юклансин.

Ўзбекистон Республикаси
Президенти

Ш.МИРЗИЁЕВ

Тошкент шаҳри,
2017 йил 15 март

2017-yil 18-mart, № 22 (8983)

Ўзбекистон Республикаси Президентининг "Тошкент ахборот технологиялари университетининг фаолиятини янада такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида"ги қарорига шарҳ

Қадимий юртимиз заминда яшаб ўтган буюк алломалар, мутафаккирларнинг жаҳон цивилизациясига қўшган улкан ҳиссаси, уларнинг ибратли ҳаёти ва фаолияти, бебаҳо маърифий мероси, илмий-ижодий кашфиётлари бугунги кунда ҳам жаҳон аҳлини ҳайратга солиб келмоқда.

Ўрта асрларнинг илк даврида Шарқда амалга оширилган буюк илмий кашфиётлар ҳақида гап кетганда, замонавий математика, тригонометрия ва география фанлари тараққиётига бекиёс ҳисса қўшган аллома Мухаммад ал-Хоразмийнинг номи биринчилар қаторида тилга олинади.

Тўлиқ исми шарифи Абу Абдуллох Мухаммад ал-Хоразмий ал-Мажусий ал-Қатраббулий бўлган бу улуг' зот милодий 783 йилда Хоразмнинг маданият ва маърифат марказларидан бири бўлган Фива шаҳрида таваллуд топган. Буюк иқтидорли, илм-фан тараққиётига қўшган улкан ҳиссаси билан танилган Мухаммад ал-Хоразмий ўз даврининг қомусий алломаси сифатида эътироф этилади. Унинг илм-фан тараққиёти йўлидаги хизматлари эътиборга олинб, ўша даврда "Байт ул-Хикма" — "Донишмандлар уйи" деган ном билан машҳур бўлган Маъмун академиясига раҳбар этиб тайинланди.

Мухаммад ал-Хоразмий математика, геометрия, астрономия, тарих, география ва бошқа фанларнинг илмий йўналишларида қўллаб-қўмусий асарлар яратган. Алгебра фанига асос солиб, фундаментал маълумотлар, трактатларни илмий баён этиш қоидаларини ишлаб чиққан. Буюк ватандошмизнинг илмий излашлари, илмий-тадқиқот назариялари ва илмий хулосалари бутун жаҳон илму маърифат аҳли томонидан эътироф этилиб, дунё илм-фанининг бебаҳо мероси сифатида юксак қадрланиб келинади.

Бугунги кунда замонавий математика, геометрия, тригонометрия, география каби фанлар, ахборот-коммуникация технологиялари соҳасида эришилаётган ютуқларнинг тамал тоши айнан Мухаммад ал-Хоразмий томонидан қўйилгани жаҳон микёсида эътироф этилган ҳақиқатдир.

Мустақиллик йилларида Ўзбекистон Республикасида ўқув-ўқувий, илмий-тадқиқот фаолиятини такомиллаштиришнинг барқарор тизими яратилди. Мамлакатимизда дунё андозаларига мос илмий-ўқув лабораториялари, кафедралар, олий таълим ва илмий-тадқиқот муассасалари, нуфузли илмий марказлар, мактаблар яратилди.

Бугунги кунда Тошкент ахборот технологиялари университети замонавий ахборот-коммуникация технологиялари соҳасида юқори малакали мутахассислар тайёрлайдиган юртимиздаги етакчи олий таълим муассасаларидан бири ҳисобланади. Университетнинг Самарқанд, Фарғона, Қарши,

Урганч, Нукус филиаллари фаолият кўрсатмоқда. Университет ва унинг филиалларида замонавий ахборот-коммуникация технологиялари, компьютер инжиниринги, дастурий инжиниринг, почта алоқа технологиялари каби ўнлаб таълим йўналишлари бўйича ўн мингдан зиёд талаба таҳсил олмоқда.

Ёш авлодни улуг' аллома Мухаммад ал-Хоразмийнинг буюк ва бебаҳо меросининг муносиб давомчилари этиб тарбиялаш мақсадида Ўзбекистон Республикаси Президентининг "Тошкент ахборот технологиялари университетининг фаолиятини янада такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида"ги қарори қабул қилинди.

Ўзбекистон Республикаси Президенти томонидан Университетнинг фаолиятини янада такомиллаштириш, мавжуд интеллектуал салоҳиятдан самарали фойдаланиш, ёшларни илмий-тадқиқот фаолиятига кенг жалб этиш юзасидан аниқ вазифалар белгилаб берилди. Ушбу вазифаларни амалга оширишда ўқув-ўқувий, илмий-тадқиқот ишларини иқтисодий-ижтимоий соҳаларнинг долзарб муаммоларига йўналтириш, илм-фан ва ишлаб чиқариш ўртасидаги узвий интеграцияни таъминлаш, дастурий маҳсулотлар яратиш, уларни иқтисодиётнинг етакчи тармоқларига жорий этишни таъминлаш муҳим аҳамият касб этади.

Қарор Университет ва унинг филиалларида таҳсил олаётган ёшларга таълим-тарбия бериш ва илм-фаннинг юксак чўққиларини эгаллашда зарур шарт-шароитлар яратиш ҳамда мамлакатимиз иқтисодиётининг етакчи тармоқлари учун ахборот-коммуникация технологиялари соҳасида юқори малакали мутахассисларни тайёрлашнинг янада такомиллаштиришда бекиёс катта аҳамиятга эгадир.

Мазкур қарор билан Тошкент ахборот технологиялари университети Мухаммад ал-Хоразмий номи берилди, шунингдек, 2017/2018 ўқув йилидан бoshlab Университетда улуг' аллома номини абадийлаштириш ҳамда унинг буюк ва бебаҳо меросини кенг ўрганиш билан боғлиқ қатор тadbirlarni амалга ошириш белгиланди.

Қарорда ахборот-коммуникация технологиялари соҳасида иқтисодиётнинг етакчи тармоқлари ва соҳалари билан таълим, илм-фан ва ишлаб чиқаришнинг мустаҳкам алоқасини таъминлаш, аънавий тарзда республика ва халқаро илмий-амалий анжуманлар ўтказиш, юртимиздаги етакчи илм-фан намоёндалари иштирокида олий таълим муассасалари талабалари, ёш олимлар, профессор-ўқитувчилар билан учрашувлар ташкил этишга эътибор қаратиш, шунингдек, Университетнинг иқтидорли талабалари учун бериладиган Мухаммад ал-Хоразмий номидаги стипендияни жорий этиш бўйича долзарб вазифалар белгилаб берилган.

Олий таълим муассасалари талабалари ўртасида ахборот-ком-

муникация технологиялари, дастурий маҳсулотларни яратиш борасида танлов ва олимпиадалар ўтказиш, математик моделлаштириш, алгоритмлаш, криптология, компьютер ва дастурий инжиниринг, телекоммуникация ва телевизион технологиялари, ахборот хавфсизлиги йўналишларида замонавий ўқув адабиётларини тайёрлаш, уларнинг мультимедияли авлодларини яратиш ҳамда талабалар, олимлар ва педагогларнинг ушбу ўқув адабиётларидан эркин фойдаланишлари учун уларни электрон ресурсларга жойлаштириш масалаларига алоҳида эътибор қаратилган.

Айни вақтда қарор билан университетнинг ташкилий тузилмасини такомиллаштириш, ўқув-ўқувий, илмий-тадқиқот ишларини янада ривожлантириш, университет қошидаги "Дастурий маҳсулотлар ва аппарат дастурий мажмуалар яратиш маркази" ўрнида "Ахборот-коммуникация технологиялари илмий-инновацион маркази"ни ташкил қилиш зарурлиги ҳам кўрсатиб ўтилди.

Мазкур марказнинг асосий вазифалари сифатида иқтисодиётнинг етакчи соҳа ва тармоқлари учун реал эҳтиёжларни ҳисобга олиб, ички ва ташқи бозорларда рақобатдош, сифатли маҳаллий дастурий маҳсулотларни яратишга, энг аввало, Мухаммад ал-Хоразмий номидаги Тошкент ахборот технологиялари университетида таълим олаётган талабаларни кенг жалб этиш белгиланди.

Қарорга кўра, марказда иқтисодиётнинг етакчи тармоқлари ва соҳалари буюртмалари асосида бошқарув, ишлаб чиқариш, бизнес ва бошқа йўналишдаги жараёнларни автоматлаштиришни тизимли ва илмий таҳлил қилиш, уларнинг моделларини ҳамда алгоритмларини ишлаб чиқиш ҳамда жорий этиш механизмлари яратилади.

Мамлакатимизда юқори технологияга асосланган техник ва дастурий маҳсулотларни яратиш, импорт ўрнини босувчи қурилмаларни маҳаллийлаштириш ва экспортбоп қурилмаларни ишлаб чиқиш юзасидан фундаментал ва амалий илмий-тадқиқот ишлари олиб борилади.

Марказда яратилаётган имкониятлардан умумий фойдаланган ҳолда, Мухаммад ал-Хоразмий номидаги Тошкент ахборот технологиялари университети талабалари, мутахассислари ва ёш илмий ходимларини миллий дастурий маҳсулотлар ва аппарат дастурий мажмуаларни яратиш бўйича илмий-тадқиқот лойиҳаларига кенг жалб этиш, хорижий мамлакатларнинг ахборот-коммуникация технологиялари соҳасидаги илгор илмий-тадқиқот марказлари билан ўзаро манфаатли ҳамкорлиқни йўлга қўйишга ҳам катта эътибор қаратилади.

Қабул қилинган қарорнинг яна бир муҳим аҳамияти шундан иборатки, Университет қошида Ил-

мий-инновацион ривожлантириш жамғармаси (кейинги ўринларда Жамғарма деб юритилади) ташкил этилмоқда. Мазкур Жамғарманинг маблаглари мобил алоқа хизматлари кўрсатадиган компаниялар томонидан абонент рақамидан фойдаланганлик учун тўланадиган тўловдан тушадиган маблагларнинг 1,0 фоиз миқдоридagi ажратмалар ва қонун ҳужжатлари билан тақиқланмаган бошқа тушумлардан шакллантирилиши кўзда тутилмоқда. Мазкур Жамғарма маблагларидан қуйидаги йўналишларда фойдаланиш белгиланмоқда:

Университет учун ўқув дарсликлар, илмий адабиётларни яратиш ва нашр этиш, жумладан, хорижий адабиётларни харид қилиш, иқтидорли талабалар учун бериладиган Мухаммад ал-Хоразмий номидаги стипендия харажатларини қоплаш ва "Мухаммад ал-Хоразмий авлодлари" илмий журнали нашр этилишини молиявий қўллаб-қувватлаш;

Университет ва Марказнинг ахборот технологиялари ва коммуникацияларини ривожлантириш соҳасидаги илмий-тадқиқот ва тажриба-конструкторлик ишларини танлов асосида молиялаштириш, уларнинг илмий ва ўқув лабораторияларини замонавий асбоб-ускуналар, зарур материаллар ва бутловчи қисмлар билан таъминлаш;

Университетнинг иқтидорли талабалари, профессор-ўқитувчилари ва ёш илмий ходимларини етакчи хорижий олий таълим муассасалари ҳамда илмий-тадқиқот марказларида тайёрлаш, қайта тайёрлаш ва малакасини ошириш, шунингдек, Университетда дарс бериш ва Марказда илмий тадқиқотлар ўтказиш учун юқори малакали хорижий мутахассислар ва олимларни жалб қилиш.

Қарор доирасида назарда тутилган барча тadbirlarni мамлакатимизда иқтисодиётнинг инновацион тараққиётини таъминлашда, илм-фан ва кадрлар тайёрлашнинг ролини қучайтириш борасида амалга оширилаётган тизимли ишларнинг мантиқий давоми бўлиб, 2017—2021 йилларда Ўзбекистон Республикасини ривожлантиришнинг бешта устувор йўналиши бўйича Ҳаракатлар стратегиясининг муваффақиятли амалга оширилишига хизмат қилади.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг ушбу қарори юқори малакали кадрлар тайёрлаш, илм-фаннинг нуфузини ошириш, профессор-ўқитувчиларнинг шарафли меҳнатини қадрлаш, кадрлар интеллектуал салоҳиятини мустаҳкамлаш, уни ташкиллаштириш ва бошқариш тизимини такомиллаштириш, университетнинг моддий-техник базасини тубдан яхшилаш, унинг хорижий давлатлардаги нуфузини кўтариш, иқтидорли ёшларни илм-фанга кўпроқ жалб қилишга кенг йўл очади.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг Фармони

ШОШИЛИНЧ ТИББИЙ ЁРДАМНИ ЯНАДА ТАКОМИЛЛАШТИРИШ ЧОРА-ТАДБИРЛАРИ ТЎҒРИСИДА

(Давоми. Боши 1-бетда.)

Шошилинч тиббий ёрдамнинг тезкорлигини, технологиклиги ва самардорлигини тубдан кучайтиришга, аҳолига ўз вақтида малакали шошилинч тиббий ёрдам кўрсатиш бўйича даволаш, илмий-методик ва таълим ишларининг бутун комплексини энг юқори даражада ташкил этишга йўналтирилган аҳолига шошилинч тиббий ёрдам бериш тизимини тубдан такомиллаштириш мақсадида:

1. Куйидагилар шошилинч тиббий ёрдам тизимини янада такомиллаштиришнинг муҳим йўналишлари этиб белгилансин:

мамлакатда соғлиқни сақлаш тизимини янада ислоҳ қилишнинг муҳим йўналишларидан бири сифатида замонавий асбоб-ускуналар билан жиҳозланган ва малакали кадрлар билан бутланган шошилинч тиббий ёрдам беришнинг замонавий, юқори технологик ва самарали тизимини шакллантириш;

шошилинч тиббиёт соҳасида илмий, методологик ва таълим салоҳиятини ҳар томонлама ривожлантириш, ушбу мақсадларда халқаро ҳамкорлиқни кенгайтириш ҳамда тез тиббий ёрдамнинг республика хизматлари фаолиятига илғор технологияларни ва иш услубларини жорий этиш;

шошилинч тиббий ёрдам тизимида аҳоли орасида ўлим ва ногиронликни пасайтиришга йўналтирилган замонавий тиббиёт асбоб-ускуналарини, диагностика воситалари ва усулларини, бирламчи тиббий-санитария ёрдамни ва кечиктириб бўлмайдиган ҳолатларни даволашни кенг қўллаш;

шошилинч тиббиёт соҳасида профилактика, диагностика ва даволаш усуллари ва технологияларини кучайтириш ва самардорлигини ошириш бўйича илмий тадқиқотлар олиб бориш, тавсияларни ишлаб чиқиш ва амалга ошириш;

замонавий ахборот-коммуникация технологияларини кенг қўллаш асосида шошилинч тиббий ёрдам хизматларининг бошқа вазирликлар ва идораларнинг шошилинч хизматлари билан ўзаро тезкор ҳамкорлигининг самарали механизmlарини жорий этиш;

рини тайёрлаш, қайта тайёрлаш ва уларнинг малакасини ошириш.

2. Ўзбекистон Республикаси Соғлиқни сақлаш вазирлиги, Иқтисодиёт вазирлиги ва Молия вазирлигининг:

шошилинч тиббий ёрдам кўрсатиш тизимининг тезкорлигининг замонавий жаҳон талабларига, юқори технологиклиги ва самардорлигига мувофиқ кечиктириб бўлмайдиган ва тез тиббий ёрдам хизматини ўз ичига оладиган ягона ташкилий тузилмасини ташкил этиш;

тез тиббий ёрдамнинг кўма бригадалари фаолиятини тезкорлик билан мувофиқлаштиришни, шунингдек, Ўзбекистон Республикаси Ички ишлар вазирлиги, Фавқуллода вазиятлар вазирлиги ва «Ўзтрансгаз» акциядорлик компаниясининг шошилинч хизматлари билан ўзаро ҳамкорлиқни таъминлайдиган маълумотлар узатишнинг ягона базасини ва тармогини ташкил этган ҳолда шошилинч тиббий ёрдамни бошқаришнинг ахборот тизимини жорий этиш;

Республика шошилинч тиббий ёрдам маркази ва унинг ҳудудий филиалларининг маълумотларни узатишнинг ягона тармоғига бирлаштирилган ҳамда республиканинг барча ҳудуди бўйича тез тиббий ёрдам қақриқларини қабул қилиш ва қайта ишлашни таъминлайдиган мувофиқлаштирувчи-диспетчерлик хизматларини ташкил этиш;

2017—2020 йилларда 240 та объектни мукамал таъмирлаш ва 369 та объектни жорий таъмирлаш йўли билан тез тиббий ёрдам хизмати бинолари ва хоналарининг моддий-техник базасини янада мустаҳкамлаш;

тез тиббий ёрдам кўма бригадаларини тасдиқланган нормативларга мувофиқ дори воситалари, тиббиёт буюмлари ва сарфлаш материаллари билан bosқичма-bosқич таъминлаш, шу жумладан, ушбу мақсадлар учун 2017 йилда молиялаштириш ҳажмининг камида 2 баравар кўпайтириш;

туман (шаҳар) тиббиёт бирлашмаларининг тез тиббий ёрдам кўма бригадаларини Республика шошилинч тиббий ёрдам марказининг ҳудудий филиаллари орқали дори воситалари ва тиббиёт буюм-

лари билан марказлаштирилган тартибда таъминлаш;

2017 йилда 1200 та ихтисослаштирилган автотранспорт воситалари сойти олиш йўли билан тез тиббий ёрдам хизмати, шу жумладан, туман (шаҳар) тиббиёт бирлашмаларининг автопаркинни янгилаш;

2017 йил 1 апрелдан бошлаб тез тиббий ёрдам хизматининг ихтисослаштирилган автотранспорт воситаларига техник ва сервис хизмати кўрсатишни уларни тегишли ҳудудий ихтисослаштирилган автобазага бериш йўли билан ҳудудий даражада марказлаштириш тўғрисидаги таклифлари маъқуллансин.

3. Ўзбекистон Республикаси Соғлиқни сақлаш вазирлигининг Республика шошилинч тиббий ёрдам маркази Ўзбекистон Республикаси Соғлиқни сақлаш вазирлигининг Республика шошилинч тиббий ёрдам илмий маркази (кейинги ўринларда Марказ деб аталади) деб қайта номлансин.

4. Куйидагилар Марказнинг асосий вазифалари этиб белгилансин:

аҳолига бепул асосда юқори малакали ихтисослаштирилган, юқори технологик шошилинч, тез ва кечиктириб бўлмайдиган тиббий ёрдамни ташкил этиш ва кўрсатиш;

тезкорлигининг замонавий жаҳон талабларига, юқори технологик ва самардорликка мувофиқ бўлган шошилинч ва тез тиббий ёрдам хизмати тизими фаолиятига ташкилий-методик ва амалий раҳбарлик қилиш;

шошилинч тиббий ёрдам кўрсатиш тизимини, унинг бирламчи тиббий ёрдам тизими билан ўзаро ҳамкорлигини янада ривожлантириш ва такомиллаштириш, аҳолининг ногиронлиги ва ўлимни пасайтириш бўйича дастурларни ишлаб чиқиш ва амалга ошириш;

янги, самарали технологияларни яратиш, кечиктириб бўлмайдиган ҳолатлар диагностикаси ва даволашнинг устувор йўналишларида илмий тадқиқотлар олиб бориш, шунингдек, уларни соғлиқни сақлаш амалиётига жорий этиш;

шошилинч тиббий ёрдам кўрсатиш тизимининг шифокорларини ва ўрта тиббиёт ходимларини қайта тайёрлаш ва уларнинг ма-

лакасини ошириш, илмий ва илмий-педагог кадрлар тайёрлаш;

етакчи хорижий ихтисослаштирилган ташкилотлар билан мустаҳкам ҳамкорлик ўрнатиш, тажриба алмашиш, шошилинч тиббиёт соҳасида кўшма тадқиқотлар олиб бориш.

5. Ўзбекистон Республикаси Соғлиқни сақлаш вазирлиги, Иқтисодиёт вазирлиги ва Молия вазирлигининг Тошкент вилояти, Зангиота тумани, Хонобод шаҳарчасидаги 5-уй манзилида жойлашган Тошкент вилояти кўп тармоқли тиббиёт маркази негизида Республика шошилинч тиббий ёрдам илмий марказининг Тошкент вилояти филиалини ташкил этиш тўғрисидаги таклифи қабул қилинсин.

Ўзбекистон Республикаси Соғлиқни сақлаш вазирлиги бир ой муддатда Тошкент вилояти ҳокимлиги билан биргаликда Тошкент вилояти кўп тармоқли тиббиёт марказини Республика шошилинч тиббий ёрдам илмий марказининг Тошкент вилояти филиалига айлантириш бўйича ташкилий чора-тадбирларни белгиланган тартибда таъминласин.

6. Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси: ушбу Фармон билан белгиланган вазифалардан келиб чиқиб тез тиббий ёрдам хизмати фаолиятини янада такомиллаштириш чора-тадбирлари дастурини ва Республика шошилинч тиббий ёрдам илмий маркази тўғрисидаги низоми бир ҳафта муддатда ишлаб чиқсин ва тасдиқлаш учун киритсин;

2017 йил 1 июлгача бўлган муддатда Марказнинг ва унинг ҳудудий филиалларининг мувофиқлаштирувчи-диспетчерлик хизматлари фаолиятини ташкил этиш бўйича комплекс чора-тадбирларни тасдиқласин.

7. Ўзбекистон Республикаси Соғлиқни сақлаш вазирлиги:

Марказнинг ва унинг ҳудудий филиалларининг мувофиқлаштирувчи-диспетчерлик хизматлари 2019 йил 1 январдан бошлаб фаолият кўрсатишни, шунингдек, уларнинг Ўзбекистон Республикаси Ички ишлар вазирлиги, Фавқу-

лодда вазиятлар вазирлиги ва «Ўзтрансгаз» акциядорлик компаниясининг шошилинч хизматлари билан ўзаро ҳамкорлиги механизmlари жорий этилишини таъминласин;

2017 йил 1 апрелдан бошлаб Тошкент шаҳар соғлиқни сақлаш бош бошқармасининг тез тиббий ёрдам станциясини унинг туманлардаги кичик станциялари билан биргаликда юридик шахс мақомини сақлаб қолган ҳолда таркибий бўлинма сифатида Марказга берсин.

8. Белгиланган кўйилсинки:

«Соғлиқни сақлаш» тармоғи бўйича Ўзбекистон Республикаси Соғлиқни сақлаш вазирлигига ажратиладиган Ўзбекистон Республикаси Давлат бюджет маблағлари ва қонун ҳужжатларида тақиқланмаган бошқа манбалар Тез тиббий ёрдам станцияси ва унинг туманлардаги кичик станциялари фаолиятини молиялаштириш манбалари ҳисобланади;

Марказнинг Тез тиббий ёрдам станциясига автотранспорт хизмати кўрсатиш «Тошкент шаҳар соғлиқни сақлаш бош бошқармасининг ихтисослаштирилган автотранспорт корхонаси» давлат корхонаси томонидан таъминланади.

9. Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси томонидан тасдиқланадиган рўйхатлар бўйича мувофиқлаштирувчи-диспетчерлик хизматлари эҳтижлари учун олиб келинадиган технологик ва телекоммуникация ускунаси, бутловчи буюмлар, эҳтиёт қисмлар ва дастурий таъминлаш 2020 йил 31 декабргача бўлган даврда божхона тўловларидан озод қилинсин (божхона йиғимлари бундан мустасно).

10. Ўзбекистон Республикаси Президентининг иловага мувофиқ айрим ҳужжатларига ўзгартириш ва қўшимчалар киритилсин.

11. Ушбу Фармоннинг ижросини назорат қилиш Ўзбекистон Республикасининг Бош вазири А.Н.Арипов ва Ўзбекистон Республикаси Президентининг Давлат маслаҳатчиси А.Н.Юнусходжаев зиммаларига юклансин.

Ўзбекистон Республикаси
Президенти

Ш.МИРЗИЁЕВ

Тошкент шаҳри,
2017 йил 16 март

2017-yil 18-mart, № 22 (8983)

Ўзбекистон Республикаси Президентининг “Шошилич tibbiy ёрдамни янада такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги Фармониغا шарҳ

Мамлакатимизда аҳоли саломатлигини янада мустахкамлаш, жисмонан соғлом ва етук авлодни вояга етказишни таъминлаш давлат сиёсатининг устувор йўналишларидан бири ҳисобланади. Бугунги кунда юртимиз тиббиёт муассасаларида энг илғор ва замонавий шарт-шароитлар яратиш ҳамда тиббий хизмат сифатини янада оширишга жиддий эътибор қаратилмоқда.

Президентимиз Шавкат Мирзиёев ҳар бир маърузаси ва нутқида, турли учрашувларда халқимизни рози қилиш учун, энг аввало, унинг сифатли тиббий хизматга бўлган талабини қондириш ниятида зарурлигини доимо таъкидлаб келмоқдалар. Давлатимиз раҳбарининг жорий йил 5 январь ва 7 февраль кунлари соғлиқни сақлаш соҳаси вакиллари билан ўтказган учрашувлари ҳам тизимдаги маъжуд ҳолатни чуқур танқидий таҳлил қилиб, йиғилиб қолган масалаларни самарали ҳал этиш йўлида муҳим қадам бўлди. Бу борада, айниқса, мамлакатимизда қабул қилинган ва босқичма-босқич амалга оширилаётган соғлиқни сақлаш тизимини ислоҳ қилишга оид ҳуқуқий ҳужжатлар алоҳида ўрин тутмоқда.

Ҳозирги вақтда бу тизим Республика шошилич тиббий ёрдам маркази ва унинг вилоятлардаги филиаллари, туман ва шаҳар тиббиёт бирлашмалари қошидаги бўлимлари, мамлакатимизнинг барча ҳудудидagi тез тиббий ёрдам хизмати станциялари ва санитар авиация хизмати ўз ичига олади. Энг асосийси, соҳа ривож йўлида амалга оширилаётган кенг кўламли чора-тадбирлар натижасида шошилич тиббий ёрдам тизимида йилига 600 минг нафардан зиёд беморга юқори малакали стационар ва 1 миллион нафардан ортиқ беморга амбулатор ёрдам ҳамда 7 миллиондан зиёд қақриқлар бўйича хизмат кўрсатилмоқда.

Шу билан бирга, ҳозирги вақтда соҳада зудлик билан ҳал этишни талаб қиладиган бир қатор муаммо ва масалалар ҳам борки, у аниқ чора-тадбирлар кўришни тақозо этмоқда.

Авваламбор, шошилич тиббиёт соҳасидаги меъёрий-ҳуқуқий ҳужжатларни

такомиллаштириш, моддий-техник базани мустахкамлаш, илмий ишланмаларни ривожлантириш, малакали кадрлар, дори воситалари, тиббий ускуналар, ихтисослаштирилган автотранспорт ва алоқа воситалари билан таъминланиш даражасини яхшилаш долзарб масала бўлиб қолмоқда. Бу эса тез тиббий ёрдам фаолиятини бошқариш ва мувофиқлаштиришнинг амалдаги тизимини қайта кўриб чиқиш, шошилич тиббий ёрдам сифатини тубдан яхшилашга доир тезкор чоралар кўриш заруратини юзага келтирмоқда.

Шу мақсадда Ўзбекистон Республикаси Президентининг “Шошилич тиббий ёрдамни янада такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги Фармонида мазкур тизимни такомиллаштиришнинг энг муҳим йўналишларини белгилаш, тез тиббий ёрдам хизматининг сифат ва самарадорлигини ошириш, шошилич тиббий ёрдам соҳасидаги илмий тадқиқотлар кўламини кенгайтириш ҳамда бу борада халқаро ҳамкорликни чуқурлаштиришга қаратилган аниқ вазифалар белгилаб берилди.

Фармонда, шунингдек, шошилич тиббий ёрдам тизимида замонавий илмий-техникавий ютуқлар ва ахборот-коммуникация технологияларини кенг қўллаш, шошилич тиббий ёрдам кўрсатиш тизимининг бошқа вазирликлар ва идораларнинг шошилич хизматлари билан тезкор ҳамкорлигини таъминлаш бўйича замонавий механизмларни татбиқ қилиш, кадрларни тайёрлаш борасида илғор услулари жорий этиш кўзда тутилган.

Фармон билан Ўзбекистон Республикаси Соғлиқни сақлаш вазирлигининг Республика шошилич тиббий ёрдам маркази Ўзбекистон Республикаси Соғлиқни сақлаш вазирлигининг Республика шошилич тиббий ёрдам илмий маркази, деб қайта номланди ва Марказнинг асосий вазифалари белгиланди.

Хусусан, аҳолига бепул асосда малакали ихтисослаштирилган, юқори технологияли шошилич, тез ва кечиктириб бўлмайдиган тиббий хизмат кўрсатиш, самарадорлиги бўйича жаҳон талабларига мос

келадиган шошилич тиббий ёрдам тизимининг фаолиятига ташкилий-услубий раҳбарлик қилиш, кечиктириб бўлмайдиган ҳолатларнинг профилактикаси, диагностикаси ва уларни даволаш бўйича янги, самарали технологияларни яратиш, хорижий турдош ташкилотлар билан яқин ҳамкорлик ўрнатиш каби йўналишлар Марказнинг асосий вазифалари сифатида қайд этилди. Бундан ташқари, Марказ шошилич тиббий ёрдам кўрсатиш соҳасида фан ва илмий тадқиқотлар ривожланишининг устувор йўналишларини шакллантириш, шошилич тиббий ёрдам кўрсатиш тизимини янада такомиллаштириш ва илғор технологияларни яратиш юзасидан илмий тадқиқотлар олиб бориш, шифокорлар ва ўрта тиббиёт ходимларини қайта тайёрлаш ва малакасини ошириш, шошилич тиббий ёрдам кўрсатиш тизими учун илмий ва илмий-педагог кадрлар тайёрлашни ҳам мувофиқлаштириб боради.

Фармонда таъкидланганидек, 2017 йилнинг 1 июлигача ягона маълумотлар базаси ва маълумотларни узатиш тармоғини яратган ҳолда, тез тиббий ёрдам бригадаларининг фаолиятини тезкор бошқариш ва мувофиқлаштиришнинг таъминловчи Марказ ва унинг ҳудудий филиалларининг мувофиқлаштирувчи-диспетчерлик хизматлари фаолиятини ташкил қилиш бўйича чора-тадбирлар мажмуаси ишлаб чиқилади. Чунки, тез тиббий ёрдам фаолиятида диспетчерлик хизматларини яхшилаш, унинг кечаю кундуз самарали ишлашини таъминлаш бугунги кун талабидир. Шу муносабат билан 2019 йилнинг 1 январидан бошлаб Ўзбекистон Республикаси Фавқуллодда вазиятлар вазирлиги ва «Ўзтрансгаз» акциядорлик компанияси билан ўзаро ҳамкорликда фаолият юритувчи мувофиқлаштирувчи-диспетчерлик хизматлари жорий қилинади.

Ушбу хизмат фаолиятида кузатилаётган камчиликларга тизимда автотранспорт воситалари билан боғлиқ масалалар ҳам сабаб бўлаётгани кўпчиликка маълум. Эндilikда Марказнинг Тез тиббий ёрдам станцияларига автотранспорт хизматини

кўрсатиш “Тошкент шаҳар соғлиқни сақлаш бош бошқармасининг ихтисослаштирилган автотранспорт корхонаси” давлат корхонаси томонидан амалга оширилади. Бу эса автотранспорт воситаларининг ҳар доим соз ҳолатда бўлишини ва керакли манзилга ўз вақтида етиб боришини таъминлашга хизмат қилади.

Айни вақтда кечиктириб бўлмайдиган вазиятларда кўплаб инсонларнинг ҳаётини сақлаб қолиш мақсадида шошилич тиббий ёрдам хизмати муассасаларининг моддий-техника базасини мустахкамлаш, тизимнинг транспорт паркинни бойитиш учун давлат бюджети ва бошқа маблағлар ҳисобидан 1200 та тез тиббий ёрдам автомобили харид қилинадиган бўлди.

Тажрибадан маълумки, замонавий технологияларни амалиётга жорий этиш тиббий хизмат сифатини бир неча баробар яхшилаш имконини яратади. Фармонда ушбу йўналишда имтиёзлар яратишга алоҳида эътибор қаратилган. Шу мақсадда 2020 йилнинг 31 декабригача Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси томонидан тасдиқланган рўйхатлар бўйича Мувофиқлаштирувчи-диспетчерлик хизматлари эҳтиёжларини таъминлаш учун олиб қилинган юқори технологияли ва телекоммуникация жиҳозлари, бутловчи қисмлар, эҳтиёт қисмлар ва дастурий таъминотни божхона тўловларидан озод этиш белгиланди.

Яна бир эътиборли жиҳати шундаки, Фармонга кўра, Тошкент вилояти кўп тармоқли тиббиёт маркази базасида Республика шошилич тиббий ёрдам илмий марказининг Тошкент вилояти филиали ташкил этилади. Агар шу вақтгача ушбу ҳудудда бундай тиббий муассаса маъжуд бўлмаганини назарда тутадиган бўлсак, бу янгилик вилоят аҳолиси саломатлигини сақлаш борасида қандай катта аҳамият касб этишини тасаввур қилиш қийин эмас, албатта.

Яна бир янгилик — шу йилнинг 1 апрелидан бошлаб Тошкент шаҳар соғлиқни сақлаш бош бошқармаси тез тиббий ёрдам станцияси унинг туманлардаги кичик станциялари билан бирга, юридик шахс

мақомини сақлаган ҳолда, таркибий бўлинма сифатида Марказга берилиши кўзда тутилган.

Президентимизнинг мазкур Фармонида кўзда тутилган эътибор ва берилаётган имтиёзлар, соҳа учун ажратилаётган замонавий тиббий асбоб-ускуналар ҳамда уларнинг ноёб технологик имкониятлари тизим мутахассислари олиб бораётган илмий изланишларнинг савиясини юксак даражада ошириш, шошилич ҳолатларда диагностика ва даволашнинг янги истиқболли усулларини ишлаб чиқиш, ривожлантириш ва амалиётга татбиқ қилиш имкониятларини янада кенгайтиришда муҳим омил бўлиб хизмат қилади. Бу эса, ўз навбатида, даволаш жараёнининг самарасини оширибгина қолмай, стационар даволаш мuddатларини ва бунинг натижасида сарф-харажатларни ҳам кескин камайтириш шубҳасиз. Бундан ташқари, ушбу Фармон Марказнинг барча филиалини энг юксак мезонларга жавоб берадиган тиббий аппаратлар, хусусан, юрак ва қон-томирларнинг ультратовуш доплерографияси, замонавий ангиографик тузилмаси, мультиспирал компьютер томография ва магнит-резонанс томограф аппаратлари билан тўлиқ таъминлаш учун имконият яратади.

Хулоса қилиб айтганда, мазкур Фармон ҳамда у билан тасдиқланган ҳуқуқий ҳужжатлар шошилич ва тез тиббий ёрдам тизимини янада такомиллаштириш, кўрсатилаётган тиббий хизматлар сифатини янги босқичга кўтариш, соҳада илмий-тадқиқот фаолияти кўламини кенгайтириш ҳамда илғор хорижий тажрибаларни амалиётга жорий этишда дастуриламал бўлиб хизмат қилади.

Мамлакатимизда аҳоли саломатлиги, инсон манфаатлари, халқимиз фаровонлиги ҳақида сўз борар экан, бу масалалар доимо давлатимизнинг эътибор марказида бўлиб қолади. Ана шу эзгу мақсадларнинг мамлакатимиз Президент Шавкат Мирзиёев томонидан эълон қилинган Халқ билан мулоқот ва инсон манфаатлари йилида рўйбга чиқарилиши эса янада аҳамиятлидир.



МИРЗО УЛУГ'БЕК НОМИДАГИ ЎЗБЕКИСТОН МИЛЛИЙ УНИВЕРСИТЕТИ

ректорати,

профессор-ўқитувчилари, талабалари жамоаси барча юртдошларимизни
миллий ва умуминсоний қадриятларимиз мутаносиблигининг беқиёс тимсоли

бўлган қутлуг *Наврўз байрами* билан самимий муборакбод этади!

Сиз азизларга Ватанимиз равнақи, фаровон турмушимизни янада

юксалтириш йўлидаги эзгу ишларингизда

омад ва зафарлар тилаймиз!



НИЗОМИЙ НОМИДАГИ ТОШКЕНТ ДАВЛАТ ПЕДАГОГИКА УНИВЕРСИТЕТИ

*Муҳтарам
юртдошлар,
азиз ўқитувчи ва
мураббийлар!*

*Наврўз байрами оила
аъзоларингиз ва барча
яқинларингизга муборак
бўлсин! Она табиатнинг
уйғониш фасли ҳисобланган*

*ушбу шодиёна кунлари сизларга баҳорий хушқайфият,
жўшқинлик, самимийлик, меҳр-муҳаббат, бағрикенглик каби
юксак фазилатлар ҳамроҳ бўлишини тилаймиз!*



“Наврўзинг муборак, азиз Ватаним!”

Умрингизда варрак учуриб кўрганмисиз? Ҳа, унда бахтли экансиз. Демак, сиз эрта баҳорнинг майин шабадасида самодда “рақс” тушайтган варракни бошингиз узра ҳилпиратиб юзурганда дилингиздаги барча губорлар тарқаб кетишини ҳам биласиз...

“Баркамол авлод” республика техник ижодиёт марказида “Наврўз муборак, азиз Ватаним!” шиори остида бўлиб ўтган байрам тадбирида тўғарак аъзолари варраклар сайли мусобақасида иштирок этиб, худди шундай завқли лаҳзаларни туйган бўлса, ажаб эмас. Авиамодель, автомобиль, роботехника ва электрон ўйинчоқ йўналишлари бўйича техник ижодкорлик кўргазмаси, катапульта ёрдамида учувчи самолёт моделлари мусобақаси, “Ўлкамда Наврўз!” мавзусида асфальтга расм чиқиш танлови, карвинг тўғараги аъзолари томонидан ўтказилган маҳорат машғулоти ҳақиқий байрам

сайлига айланиб кетди.

Марказ ҳовлисида тантанаворлик! Миллий либосдаги болалар завқ билан чалаётган доира садоси, кизларнинг шўх рақслари, спортчи йигитлар беллашуви! Шеър ва кўшиқларни тинглаб, томоша қилаётган меҳмонларнинг кайфияти аъло. Бир томонда авиамодель тўғараги аъзолари митти моделларни учуриш бўйича мусобақалашаётган бўлса, очик майдонда варрагини парвозга шайлаётган болаларни учратасиз.

— Ўғилларим Акбаржон билан Асқаржон авиамодель тўғараги аъзоси, — дейди Матлуба Мирбобоева. — Мактабдан келиб оқа-укалар марказга шошилади. Уйимиз ракета ва



самолёт моделлари, ката-кичик варракларга тўла. Томоша қилиб завқланаман. Баъзан кўпайиб кетгани учун жой торлик қилади. Баъзиларини ўртоқларига совға қилаяпмиз. Энг муҳими, фарзандларим банд. Бугун улар самолёт моделини намойиш этмоқда.

Байрам сайлида Чилонзор туманидаги умумтаълим мактабларининг ўқувчилари, “Хирмонтепа”, “Шўхрат” маҳаллалари фаоллари ҳам иштирок этиб, барчани байрам билан табриклади.

Райҳона ХҲҲАЕВА,
“Ma'rifat” мухбири.

В.ГРАНКИН олган сурат.

Болаларнинг байрам қувончи



Атлас кўйлагига мос ироқи дўппи кийиб, сочларини баҳорий чечаклар билан бегаган, бугунги байрамнинг маликаси — Наврўзой ролини ижро этаётган кизчанинг байрамга бағиш-

ланган шеъри тантанаяга йиғилганларнинг кайфиятини кўтариб юборди.

“Баркамол авлод” республика болалар ўлкашунослик ва экология

маркази ҳовлиси байрамонга кўринишда: байрам шиорлари, гуллар, тўғарак аъзолари ясаган бир-биридан антиқа буюмлар билан безатилган. Ёш расомлар кўклам элчилари — қалдирғоч, лайлак, булбул расмини чиқишибди. Манзарага монанд “Баҳор вальси” куйи таралди. Баҳорий таомлар — кўк чучвара, кўк сомса, сумалак меҳмонларни ўзига чорламоқда.

“Ёш журналист ва нотик” тўғараги аъзоларининг Наврўзга аталган ижод намуналари йиғилганлар эътиборига ҳавола этилди. Танловнинг “Миллий ўйинлар”, “Миллий анъана ва удумлар, қадриятлар асосида саҳна кўриниши тайёрлаш”, “Истеъдодли болалар” каби шартларига ҳар бир тўғарак аъзоси зўр иштиёқ ва ҳафсала билан тайёрлангани сезилиб турарди. Ташкилотчилар ҳар бир қатнашчининг чиқиши ўзига хос бўлганини таъкидлаб, дўстлик, ижодкорлик галаба қозонганини айтиб ўтишди.

Марказда таътил кунлари маънавий-маърифий тадбирлар давом этади.

Асолат АҲМАДКУЛОВА
Б.РИЗОКУЛОВ олган сурат.

Пойтахтимизнинг Чилонзор туманидаги 79-мактабнинг 4-синф ўқувчилари иштирокида «At the doctor» (шифокор қабулида) мавзусида очик дарс ўтказилди. Инглиз тили ўқитувчиси Алина Норбекова ва ЎзДЖТУ амалиётчи талабалари ҳамкорлигида олиб борилган дарс интерактив тарзда ташкил этилди.

Талабалар иштирокида очик дарс

Очик дарсни инглиз тили ўқитувчилари, ота-оналар кузатиб боришди. Амалиётчи талабалар турли викториналар, тарқатма материаллар ва АКТдан фойдаланиб, синфда ижодий муҳит яратди.

— Амалиёт давомида ҳар бир дарсда ўқувчиларнинг диққатини жалб қилиш учун дарсликдан ташқари қўшимча кўргазмали воситалардан, айниқса, замонавий технологиялардан фойдаланишга ҳаракат қилаяпмиз. Бугунги дарс ҳам янги методлар асосида ташкил этилди, — дейди ЎзДЖТУ 4-босқис талабаси Бобур Арабов. — Мавзуга доир видео ва аудио ёзувлардан фойдаланиш болаларнинг талаффузи ва эшитиб тинглаш қобилиятини яхшилашда кўл келади. Шунингдек, амалиёт жараёнида малакали ўқитувчилардан ўрганганларимиз келгуси фаолиятимизда асос вазифасини ўтайди.

Очик дарсда барча ўқувчилар фаол иштирок этди. Қизиқarli бошқотирмалар, турли машқ, ўйинлар орқали ўқувчиларнинг назарий билимлари мустаҳкамланди. Ўқувчиларнинг инглиз тилидаги саҳна кўриниши, кўшиқ ва рақслари барчада илиқ таассурот уйғотди.

Шоҳсанам МАҲМУДОВА

Форумга таклифлар тайёрланмоқда

Халқ таълими вазирлиги ташаббуси билан шу йилнинг 24-25 март кунлари Тошкент шаҳрида ўтказилган “Ижтимоий фанларни ўқитиш ва маънавий-маърифий ишларни такомиллаштиришда ўқув-тарбия жараёнининг сифат ва самарадорлиги: муаммо ва ечимлар” мавзусидаги республика форумига Наманган вилояти педагоглари ҳам қизгин тайёргарлик кўрмоқда. Анжуманда иштирок этадиган 11 нафар вилоят вакили энг тажрибали ва маҳоратли педагоглар орасидан танлаб олинди.

Лолаҳон Жалилова 30 йилдан бери Учқўрғон туманидаги 15-мактабда ёш авлодга тарих фанидан сабоқ беради. Самарали педагогик фаолияти, таълим-тарбия ти-

зими равақига кўшган баракали хиссаси учун “Шўхрат” медали билан тақдирланган. Унинг илғор иш тажрибаси, айниқса, ноанъанавий усулларда дарс ташкил этиш услуби вилоят ва мамлакат миқёсида оммалаштирилган.

— Ижтимоий фанларни ўқитишда энг самарали усулларни амалиётга татбиқ этиш жудаям муҳим, — дейди Лолаҳон Жалилова. — Айниқса, интерфаол усуллар ўқувчининг мустақил фикрлаш, маълумотлар ва далилларни таҳлил қилиш, хулосалар чиқариш, фикрини баён қилиш, соғлом мулоқот орқали мунозара, баҳс юритиш кўникмаларини ривожлантиради. Шу боис ҳар бир ўқитувчи бу методлардан фойдаланиб, дарсни кизиқarli ташкил эта олиши ке-

рак. Тошкент шаҳрида ўтказилган форум фаолиятимизни янада такомиллаштиришга хизмат қиладиган тадбир бўлади, деган умиддамиз.

Чортоқ тумани ХТМФМТТЭБ маънавий-ахлоқий тарбия шўба-си раҳбари Муҳаббат Убайдуллаеванинг фикрича, ижтимоий фанларнинг ўрнини ҳисобга олиб, мамлакат иқтисоди, ички ва ташқи сиёсати масалаларига оид мавзулар фанлар мазмунига сингдирилса, ўқувчилар халқимизнинг мустақил йилларида эришган ютуқларини теранроқ англаб, қадрлаш ва эъзозлашни ўрганади, она Ватанга ҳурмат ҳисси ортади.

— Ёш авлодда тарихий тафаккурни шакллантиришда интерфаол дарслар, семинарлар, театрлашти-

рилган ёки саёҳат дарси каби ноанъанавий усуллардан фойдаланиш яхши натижа беради, — дейди Муҳаббат Убайдуллаева. — Дарсларга юртимиздаги янгиланиш ва ижобий ўзгаришларнинг бевосита иштирокчилари бўлган тадбиркорлар, фермерлар, уруш ва меҳнат фахрийлари, санъат ва спорт намояндаси таклиф этилса, учрашув-дарслар уюштирилса, ўқувчилар учун энг керакли маълумотлар ва шарҳларни биринчи манбадан олиш, ҳам эшитиш, ҳам кўриш орқали сабоқни мустаҳкамлаш имконияти туғилади. Форумга дарслар самарадорлигини оширишга доир шу каби таклифларни тайёрлаяпмиз.

Ғанишер АКБАРОВ,
“Ma'rifat” мухбири

„Насими Наврӯз“

Навоий ижодида баҳор талқини

Маълумки, Наврӯз шамсий йил — Қуёш тақвими бўйича янги йилнинг биринчи кун (март ойининг 21 кунига тўғри келади). Қуёш Ҳамал буржига кирган фарвардин ойининг биринчи кун. Қадимги фалакиёт илмига кўра, 12 бурж мавжуд бўлиб, қуёш йил давомида ҳар бир буржда бир ойдан бўлади. Охири бурж — Ҳутдан биринчи бурж — Ҳамалга ўтган кундан шамсий йил бошланади.



Наврӯз байрамига афсонавий Жамшид асос солган. У қадимги Эроннинг пешдодийлар сулоласига мансуб учинчи ҳукмдори бўлган. Алишер Навоий "Тарихи мулуки Аҷам" асарида ёзишча, у Истахр шаҳрида "...улук биное солдиким, ҳоло осори ва нишоналари борким, одамизод андоқ ясамок маҳол кўрунурким, киши кўрмагунча бовар қилмас ва ани Чихилминор дерлар. Чун бу иморат туганди, олам салотин ва ашроф ва ақобирын йиғиб, анда азим чашн қилди. Ул вақтим, қуёш нуктаи эътидоли рубъига тахвил қилиб эрди, ул бинода тахт устида ўлтуруб, адолат сийт ва садосин оламга мунташир қилди ва ул куннинг отин Наврӯз қўйди". Ҳазратнинг насрда ёзган бу маълумотлари Фирдавсий "Шоҳнома"сида битган қуйидаги байтларни ёдга солади:

*Йил боши Хурмузу эди фарвардин,
Дилда на ҳам қолди, на адоват-кин.*

*Бу бахтиёр кунни ўшандан бўён,
Шоҳлардан ёдор деб билурлар ҳамон.*

Алишер Навоий "Лайли ва Мажнун" достониде битган "Баҳор васфи" номли бобда баҳор фасли билан боғлиқ тасвирларни ҳам мароқ билан ёзар экан, Наврӯзни тилга олган. Уни муайян маънода улуг шоирнинг баҳор ва Наврӯз ҳақидаги ҳайратлари дейиш мумкин. Боб шоирнинг гўё донишманд ҳалқимизнинг "Ҳамал кирди — амал кирди", "Ҳамал кирди, экинларга амал кирди", деган қадимий мақолига поэтик ишораси билан бошланган:

*Меҳр устади чун Ҳамал фароғи,
Дашт узра бутар қўзи қулоғи.*

*Гул шамъи ҳавойи гулшан айлар,
Гулшанни фуруғи равшан айлар.*

Шоир бобнинг кейинги тасвирларида баҳорни етти рангда товланувчи камалаги, қут-барақа келтирувчи ёмғирлари, қўзу кўнглини бирдек яйратувчи гуллари билан фасллар келинчаги, тириклик тимсоли, деб бор бўй-баси билан танаранум этади. Навоий мазкур бобда баҳорни ишқ ва муҳаббат фасли сифатида ҳам баҳолар экан, достоннинг мавзуси мундарижасидан келиб чиқиб, Лайли ва Мажнун муҳаббати ҳақида ҳам

гўзал тасвирлар битганки, буни назарий жиҳатдан достон сюжетигади воқеалар ривожининг бошланиши дейиш мумкин. Қизиги, бир ўринда Лайли тилидан Наврӯз сўзини ҳазрат форсий изофа ("насим Наврӯз") шаклида маҳорат билан қўллаган ҳамда "Наврӯз — мажлиса-афрӯз" шаклида қофиялар яратган. Мажнунни гамга ботган ҳолатда кўрган, муҳаббатидан беҳабар Лайли қизларга хос зийраклик, аммо ҳижолат билан, яъни шоир сўзлари билан айтганда "Бал хижлати беҳисоб бирла" Мажнунни "Қандай ғаму маломат борки, ўзгалардек шодлигинг, ободлигинг йўқ, дўстлар кўнгли баҳорда, Наврӯзда, боғу гулзорда бўлса, сенинг жисмингда жароҳат, кўнглингда зор бордек", дея саволларга тутайди ва Наҳд тоғи этакларидан эсиб келаётган Наврӯз насими, баҳор тароватини Мажнунга эслатади:

*Бу дамки эсиб насими Наврӯз,
Гул атрини қилди мажлисафрӯз...*

Наврӯз насими эсиб турган шу дамда Мажнун ўзининг руҳий ва жисмоний ҳолатини бирма-бир шарҳлайди ҳамда ўртаниб "Кўнглумни бурун назарда олгон", "Кўнглумнинг ишини охир этгон", "Кўнглумники олишанг нихони, Сендин ола олмоғум худ они", дея Лайлига кўнглини очади, алам аралаш муҳаббатини изҳор қилиб, ҳушидан кетади. Алқисса, "Фироқнома"ни "Йиғлай-йиғлай тугаттим охир", деган шоирнинг баҳорини, Наврӯз насимини ул икки ошкқўз ўзгача илинганининг гувоҳи бўлаемиз.

"Садди Искандарий" достонининг 19-бобда шоир Наврӯз сўзини бутун борлиқни бирдек, саҳийлик билан яшнатувчи баҳор фасли ҳамда тоғу дашта ёғувчи баҳорнинг сероб кут ёмғирлари ва бутун ҳалқ умиди шўқрона билан орзиқиб қутадиган йилбоши байрами, яъни Наврӯз байрами маъноларида санъаткорона қўллаган ҳамда адолат барчанинг тенглигидир, дея ўзининг ижтимоий фикрларига тасвир қилиб келтирган. Улуг шоир Наврӯз сўзини қофияга чиқариб, "Наврӯздеқ —

жаҳонсўздеқ" каби қофиялар яратган:

*Адолат аро фасли Наврӯздеқ,
Сийсатда барки жаҳонсўздеқ.*

Адолати баҳордек, баҳор ёмғирларидек ва Наврӯздеқ бўлса, сийсати эса гўё оламни қуйдирувчи баҳор қақмоғидекдир. Адолат ва сийсат тушунчаларини бундай шаклда, яъни халқнинг кўнглига яқин тушунча, ҳодисалар билан қиёслаш, барча осонлик билан тушунадиган, ёдда қоладиган усулда тушунтириб бериш Навоий ижодига, услубига хос маҳоратни кўрсатувчи бетакрор поэтик ҳамда дидактик топиладир. Адолатни Наврӯзга қиёслаш фақат Навоий ижодида учрайди.

Достоннинг Ҳусайн Бойқаронинг кичик ўғли Музаффар Ҳусайн мирзога бағишланган 84-бобда эса шоир ўзининг "Оллоҳга шукрим, йил яхши келиб, баҳтим, ғайратим, илҳомим ижодий ишimgа ривож бериб, бу шохона китобни, яъни энг катта достонни — 89 бобдан иборат "Садди Искандарий"ни тугатдим, тугатганда ҳам безаб тугатдим" деган шўқронасини баён этиб (шоир "Ҳамса"нинг омадли яқунланганига ишора қилган — муал.), шаҳзодага шойрона лутф, устозларга хос талабу меҳр билан насихатлар, тилагу истаклар битар экан, йилнинг яхши келиши Наврӯздан, баҳордан маълум бўлганидек, элу юрт унинг оламини ёритувчи юзидан кўп умидвор, деган ҳаётий хулосаларининг бадиий талқинини қуйидагича тасвирлайди:

Улус ҳеҳраи олам афрӯзидин,

"Билур йил келишини Наврӯзидин".

Шоир байтда ирсолли масал санъати воситасида доно ҳалқимизнинг "Йилнинг яхши келиши баҳордан маълум" нақлидан ўринли фойдаланган. Ҳазрат бу байтда баҳор сўзи ўрнида "Наврӯз"ни қўллаб, сўз ўйини қилади. Биринчидан, Наврӯз аёймига ишора қилса, иккинчидан, "афрӯзидин — Наврӯзидин" шаклида гўзал ва мантқан изчил қофия яратган ҳамда талмех, таносуб санъатлари воситасида баҳор чоғи, янги йил кирган вақтга, дуо, тилаклар ижобат бўладиган кунга ҳам ишора қилган. Демак, шоир ушбу ишоралари билан нафақат шаҳзода, балки бутун инсонларни эзгуликка ундаган.

Ҳазрат Навоий "Ҳолоти Паҳлавон Муҳаммад"да устозига нисбатан Наврӯз сўзини қўллаб "Паҳлавоннинг суҳбати Наврӯз байрамича эрди", дея жуда гўзал ва оҳорли лутф қилади. "Муншаот"га киритган мактубларидан биринчисиде баҳор фаслига тўхталиб, "Наврӯзи насими" бирикмасини ишлатади: "Тоғ-тоғ неъз рафийдин сўнгра қоф-қоф ихлос юзидин маъруз улким, бу фаслдаким, Наврӯз насимининг мушкбезлиги лола димогин савдойи ва баҳор салқинининг атренгеизлиги бўлут мизожни ҳавойи қилибтурур, лоладек савдойилигидин тоғ ҳавоси қилиб, бўлутдек ҳавойилигидин қаё савдоси бошқа тушти". Мазкур хатни таҳлил ва талқин қилган навоийшунос Қодиржон Эргашев шундай изоҳлайди: "Биринчи хатда муаллиф кўкларнинг ўзига хос гўзалликлари, унинг таровати-

ни мадҳ этар экан, шундай фаслда табиат қўйнида дам олиш, табиат гўзаллигидан баҳра олишининг завқи ва лаззатини ўқувчи кўз олдига келтиради ва уни тоғ гашти, лола сайлига тақлиф этади". Демак, шоир ўз тақлифиде "Насими Наврӯз" бирикмасини атай қўллаб, ўзлари дам олиб ўтирган гўзал маскан таърифи, баҳорги сайилнинг тароватини янада жонли баён қилган.

"Маҳбуб ул-қулб" асарининг "Дехқонлар зикрида" номли 31-фаслида бободоҳқоннинг "Қўши ҳам икки зўр паҳлавон", "Ҳар қаён қилсалар ҳаракат, элга ҳам қут еткурур, ҳам барока", "Дехқонки, тузлик била дон сочар, Ҳақ бирига етти юз эшигин очар..." каби ҳаётий тасвиру тушунтиришларни шоирнинг баҳор ва Наврӯз билан боғлиқ нуқталари деб баҳолаш мумкин.

Шоир ғазалларида ҳам Наврӯз таърифи кўп учрайди. "Ҳазойин улмаоний"нинг ўзиде беш ғазал бевоқифа Наврӯз таърифига бағишланган. Жумладан:

*Вас аро, қўрдум, тенг эмиш
бўйшо сочи,*

*Тун-қун тенг экан зоҳир ўлур
бўлади чу Наврӯз.*

Ушбу байтда Навоий ёрнинг узун сочларини табиатга, Наврӯзга хос ҳодисалардан бири — тун ва куннинг тенг келишига тасвир этган. Бу эса байтдаги тасвирнинг ҳаётий ва жонли чиқишига хизмат қилган.

Ёки:

*Зулафу рухсор ила комимга
мени еткурсанг,*

*Ҳар тунунг Қадр ўлубон,
ҳар кунунг ўйсун Наврӯз.*

Мазкур байтда шоир агар лирик қаҳрамон ўз ёри билан мақсадига етса, дараҳаси халқ орасида қадимдан мавжуд бўлган дуо, тилак характеридаги Ҳар тунунг Қадр ўлубон, ҳар кунунг ўйсун Наврӯз, деган ҳикматга (баъзи манбаларда бу дуо-тилак Муҳаммад саллоллоҳу алайҳи ва саллам томонидан айтилгани ёзилади — муал.) ҳамоҳанглигини таъкидлаган.

Шуни алоҳида қайд этиш лозим, Навоий ҳар икки байтда ҳам Наврӯз сўзини ҳар икки ғазалда яратган қофиялар тизимида сақлай олган.

Ёки:

*Мувофиқ кийдилар,
бўлмиш магар Наврӯз ила байрам,*

*Чаман сарви ёшл хилват,
менинг сарви равоним ҳам.*

Навоий "Девони Фоний" девониде "Эи хи гулҳо зада чок аз ғами рўят гиребонҳо" мисраси билан бошланувчи тўққиз байтли ғазалида Наврӯзни "боди Наврӯз" форсий изофа шаклида қўллаган:

*Чаман аз мақдамаат жон ёфта,
н-аз боди Наврузист,*

*Таҳаррук дар шажарҳо, жилава
дар гулҳою райҳонҳо!*

(Таржимаси: Дарахтларнинг тебраниши, гул ва райҳонларнинг жилваси Наврӯз елидан эмас, чаман сенинг қадамингдан жон тоғганидадир).

Наврӯз таровати шоирга айрича илҳом бағишлаган. Наврӯз муносабати билан у баҳор гўзаллиги, ёр гўзаллиги, юрт табиатининг бетакрорлигини қаламга олган.

Кузатишларимиз шуни кўрсатдики, шоирнинг деярли барча асарларида — ғазаллари, достонлари, "Тарихи мулуки Аҷам", "Маҳбуб ул-қулб", "Ҳолоти Паҳлавон Муҳаммад", "Муншаот" каби насрий асарларида Наврӯз билан боғлиқ маълумотлар, таърифу тавсиф, образли ибора, қофиялар талайгина. Бу сўз Навоий ижодида нафақат Наврӯзнинг улуг қадрият эканини билдирган, балки баҳорни ифодалаб келган.

Буройи РАҲАБОВА,
филология фанлари номзода

Ернинг магнит майдони

хавфли космик нурланишдан ҳимоя қилади

Халқимиз тилида оҳанрабо деб юртиладиган магнит тошлари қадим замонлардан бери инсонларни қизиқтириб келмоқда. Ундаги бир-бирини тортишиш ёки итариш кучи инсонлар учун азалдан ғаройиб туюлган. Магнитнинг бу хусусияти сабаблари ҳали ҳануз ўзининг аниқ ечимини тополганича йўқ. Тўғри, бу ҳақида турли илмий назариялар, фикрлар ва қарашлар мавжуд.

Магнит ёрдамисиз жамиятдаги кўплаб соҳаларни тасаввур қилиб бўлмайди. Масалан, металлургияда, албатта магнит ҳодисаси қўлланилади. Магнитдан фойдаланиш ёрдамида саноатда баҳарлиши қийин бўлган оғир меҳнат: иссиқ металлларни бир жойдан бошқа жойга ташишда ғалтакли (ток ёрдамида магнит ҳосил қилиш) магнитдан фойдаланилади. Бунда қурилмага электр кучланиши берилса, симли ғалтак магнитга айланади ва металл иўзига тортади, уни маълум жойга олиб борадиган сўнг магнитга берилаётган кучланишни ўчиради ва магнитли хусусияти йўқолгани учун металл қийиб юборади. Қисқаси, магнитнинг хусусияти ҳақида жуда кўп гапириш мумкин.

Барчамизга маълумки, биз яшаётган сайёра — Ер шарининг ҳам ўз магнит майдони бор. Ер магнит майдонининг ҳар қандай нарсага таъсири мавжуд. Аммо биз буни доим ҳам сезавормаймиз. Мисол учун, Ер магнит майдонининг магнит тошига қилаётган таъсирини сезиш қийин эмас. Бунинг учун кичик тажриба ҳам ўтказиш мумкин. Магнит бўлагини илга боғлаб осиб қўйсиз. Шунда магнит бўлаги бироз айланиб ёки силкиниб, бир томонини ернинг шимолий қутбига, бошқа томонини эса ернинг жанубий қутбига қаратади. Уни ҳар қанча ўзгартирсангиз ҳам барибир Ер шарининг магнит майдони таъсирида ўзининг ҳолатини сақлаб қолаверади. Бунда магнит бўлагининг шимолий қутби ернинг жанубий қутбига, магнитнинг жанубий қутби эса ернинг шимолий қутбига йўналган бўлади.

Энди тасаввур қилинг, Ер ўз айланиш ўқиға нисбатан тахминан 11,5 градусга оғишган ўқ бўйича магнитланган майдонга эга гигант шардир. Ернинг магнит майдони тўғрисида бир неча фикрлар мавжуд.

Бу тушунчани илк бор англиялик олим Майкл Фарадей 1845 йилда фанга киритган. Унинг ҳисобича, электр ва магнитнинг ўзаро таъсирлари ҳам ягона моддий майдон ёрдамида амалга ошади. Электромагнит майдоннинг классик назариясини эса 1873 йилда шотландиялик физик Жеймс Максвелл яратган. Унинг фикрича, электромагнит майдон фазонинг шундай қисмики, унда электр ёки магнит ҳолатидаги жисм мавжуд бўлиб, уни маълум бир майдон ўраб туради. Шунингдек, бу борада астрономия, физика, умуман оғанда, табиат илмини ўрганишга катта хисса қўшган улуғ болаларимиз, ҳусусан Аҳмад Фарғоний, Абу Наср Форобий, Абу Райҳон Беруний, Ибн Сино ва Мирзо Улугбек каби буюк мутафаккирларимизнинг ҳам ўзига хос қарашлари мавжуд. Масалан, ўз ҳаёти давомида 200 дан

ортиқ йирик рисолалар ёзган (бизгача улардан фақат 27 таси етиб келган) Берунийнинг биргина физика фани борасидаги кашфиётлари орасида оҳанрабо ва магнит қутбларининг ўзаро таъсири ҳақидаги тажрибалар, магнит қутблари таъсир кучларининг оралиқ муҳитга боғлиқлиги тўғрисидаги оламшумул кузатувларини кўриш мумкин. Ёки Ибн Синонинг физика фанига доир "Ернинг олам марказидаги ҳолати ҳақида" асарида бу борада ўзига хос илмий қарашлар баён этилган.

Ўзгарувчи магнит майдон ўзгарувчи электр майдон би-

Юқори энергия заррачаларига тўла магнитосфера радиацияон қамбарларни ҳосил қилади. Магнит майдони таъсирида бу ерда электронлар ва протонлар каби зарядланган заррачаларнинг ҳаракати амалга ошади. Бу заррачалар электронли ва протонли радиацияон қамбарларни ҳосил қилиб, магнитосферада муайян траекториялар бўйича ҳаракатланади.

Магнит мили геомагнит майдонининг куч чиқиқларига параллел бўлади. Дарвоқе, Ер катламларидаги ҳаракати уларда Ер магнит майдонининг вектор индукцияси тик (вертикал) бўлиб, шимолий қутбда пастга, жанубий қутбда эса



Bilasizmi?

юқорига қараб йўналган. Бу нуқталарда магнит меридианлари ўзаро кесишади. Ер атрофида магнит майдонини билдирувчи ҳодисага ер маг-

си бўйлаб қутблар силжиб туради, деган хулосага келишган. Бундан ташқари, магнит майдонининг инверсияси ҳам амалга ошган: шимолий ва жанубий магнит қутблари ўзаро ўрин алмашган. Инверсия даврийлиги 5 миллион йилдан 20 миллион йилгача бўлган муддатни ташкил этади. Ҳозирги вақтда қутбларнинг ўзаро ўрин алмашиш даврилари охиб бормоқда.

Лидс университети геофизиклари Йон Маунд ва Фил Ливерморнинг таҳминига кўра, бир неча минг йилдан кейин ер магнит майдонининг инверсияси содир бўлиши мумкин. Британия олимлари ўз тадқиқотларини "The Conversation" нашрида эълон қилди. "Лента.ру"да эса олимларнинг асосий фикрлари келтирилиб, уларнинг бундай хулосага келиши сабаблари шарҳланди.

Маълумки, магнит майдони Ерни хавфли космик нурланишдан ҳимоя қилади ва зарарли моддаларни Ердан узоқлаштиради. Аммо бу магнит

Инверсия вақтидаги магнит майдонларининг ўзгариши планетанинг космик нурлардан ҳимояланишини сусайтиради ва Ерда радиация даражасини оширади. Агар геомагнит инверсия бугун содир бўлганда, бу Ер яқинидаги сунъий йўлдошлар, авиация ва Ер электр инфраструктураси фаолиятини хавф остида қолдирган бўларди.

Қуёшнинг ҳаддан ортиқ фаоллашуви натижасида кузатиладиган геомагнит бўронлар олимларга Ернинг магнит майдони бирдан сусайиши оқибатларини тадқиқ этиш имкониятини беради. Масалан, 2003 йилда содир бўлган "қуёш бўрони" Швеция электр тармоқларини қувватсизлантirdи ва алоқа қийинчиликлари чечлаб ўтиш, сунъий йўлдошлар ва ердаги инфраструктураларнинг радиацияон хавфини камайтириш учун хаво йўналишларини ўзгартиришни талаб қилди. Лекин бу геомагнит бўронни 1859 йилдаги қутб нурлари, ҳатто, Қариб денгизи атрофида ҳам кузатилган Керрингтон ҳодисаси билан солиштирганда анча сезиларсиз ҳисобланади.


Ҳайвонларнинг баъзи турлари магнит қабул қилиш имкониятига эга бўлиб, улар Ернинг магнит майдонидаги ўзгаришларни ҳам сезади. Ҳайвонларнинг бу хусусияти узоқ вақт давом этадиган кўчишларда, айниқса кемалар қатнови мавсумида кўл келади. Аммо ҳанузгача, геомагнит инверсия таъсири уларда айна қандай намоён бўлиши ноаниқлиқича қолмоқда. Шуниси равшанки, қадимги одамлар Лашамп ҳодисасини бошдан кечирган ва тарих ерда ҳаёт бошлангандан буён 100 марталаб геомагнит майдоннинг "тўлиқ бурилиши"га гувоҳ бўлган.

Бундан келиб чиқадикки, Брюнес-Матюяма ҳодисасининг юз берганига анча йиллар бўлгани ва ер геомагнит майдонининг деярли 5 фоизга сусайётгани кузатиладиган инверсия ақин минг йил ичида юз бериши мумкин. Аниқ вақтини айтиш эса мушкул. Чунки бунинг учун магнит майдонни бошқариб турувчи Ер шарининг ядросида нима юз бераётгани ҳақида жуда кўп маълумот тўплаш лозим.

Афсуски, Ер ядросига доир аниқ маълумотлар ҳанузгача етарли эмас. Атиги 3 йил олдин япониялик олимлар лаборатория текширувлари натижасида Ернинг ички шароитини келиб чиқиб, кремнийни Ер ядросининг учинчи асосий таркибий қисми эканини ва ушбу модда микдори ядро таркибининг 5 фоизини ташкил этишини аниқлади. Қолган қисми эса темир (85 фоиз) ва никель (10 фоиз) ҳисобига тўри келади. Аммо бу вазиятда одатдагидек, учинчи элемент кремний эмас, балки кислород, деган фаразнинг тарафдорлари ўз фикрида қолди.

Шунга қарамадан, геофизиклар фикрига кўра, баъзи ҳисоблаш методлари ва лаборатория текширувлари орқали геофизикнинг бу қирраларини ўрганишни тезлаштириш керак.

Шоҳсанам МАҲМУДОВА
тайёрлади.



лан узвий боғлангандир. Магнит майдон ҳаракатдаги электрланган жисмлар, электр токи ўтказгичлар ва магнитланган жисмлар атрофида ҳосил бўлади.

Сейсмологик маълумотларга кўра, Ернинг ташқи ядроси суяк тана хоссаларига эга бўлиб, унинг асосий қисми бошқа элементлар қўшимчаларига эга темирдан таркиб толган. Бошқа турли сабаблар билан бирга, Ернинг айланиши ташқи ядрога плазма ҳолатидаги моддаларнинг гирдобсимон оқимиға сабаб бўлади, деган фикрлар ҳам мавжуд. Бу ҳодиса табиатдаги индукцион (магнит майдонда ҳаракатланувчи ёки ўзгарувчан магнит майдонда ҳаракатсиз турган ўтказгичда электр токининг юзага келиши) электр токини келтириб чиқаради ва Ер сирти яқинидаги бўшлиқда магнит майдонини ҳосил қилади.

Геомагнит майдон нафақат Ер сиртида, балки ундан анча узоқда ҳам мавжуд бўлиб, у сунъий йўлдошлар орқали аниқланган. Ер сиртидан узоқлашган сари геомагнит майдон Ер марказигача бўлган масофага пропорционал ҳолда аста-секин камайиб боради. Магнитосфера эса қуёш йўналишида қўзилган шаклга эга. Кундузги ёруғ томонидан у Ер радиусидан 814 марта узоқ масофага қўзилган.

нитизми, дейилади. Муаллақ эркин ҳолда ўрнатилган магнит мили магнит майдони таъсирида ернинг ҳар қандай нуқтасида шу магнит майдонининг куч чиқиқлари йўналишлари бўйича йўналади. Магнит қутблари географик қутблар билан туташмайди ва улар ер қаърида жойлашган. Магнит қутблари даврий ўзгаришларни — бир кеча-кундуз, йиллик ва йилдан-йилга (асрий) ўзгаришларни ҳосил қилади.

Геомагнит майдон ер пўстини ташкил қилувчи тоғ жинсларига таъсир қилади. Барча моддалар уларга магнит майдонининг таъсири бўйича ферромагнитлар, парамагнитлар ва диамагнитларга бўлинади. Шунингдек, ернинг магнит майдони геофизика, атмосфера физикаси, астрофизика сингари фанларнинг ўрганиш объекти ҳисобланади.

Геология ва геофизикада геомагнит майдондан ер пўстининг муайян майдонларининг геологик тузилишини (магнитометрик суратга олишнинг турли хиллари), чуқурлик геологик тузилишини (магнитотеллурик зондаш), ёндош жинслардан ўзининг магнит хоссалари билан катта фарқ қилувчи фойдалан қазилма конларини қидиришда фойдаланилади.

Магнит қутбларининг ўрни аниқлаган олимлар Ер юза-

майдони доимий эмас. Магнит майдонининг инверсияси Ернинг бутун тарихи давомида камиди бир неча юз марта шимолий ва жанубий магнит майдонлари ўрин алмашганида кузатиладиган.

Қутблар ўзгариши натижасида сайёранинг магнит майдони мураккаб шаклга қиради ва фаоллиги сустлашади. Бу пайтда унинг таъсири аввалгига нисбатан 10 фоизгача пайсийиш мумкин ва шу вақтнинг ўзида иккита қутб эмас, балки бир неча қутблар пайдо бўлиши мумкин, масалан, экваторда. Ўртача магнит майдонининг инверсияси миллион йилда бир марта кузатилади. Шунга қарамай, қутблар ўрин алмашиши орасидаги таънаффус доимий эмас.

Геомагнит инверсиядан ташқари, Ер тарихида нотўлиқ бурилишлар ҳам содир бўлган. Масалан, магнит чиқиқлари экваторни кесиб ўтувча қадар паст кенгликларда жойини ўзгартиради ва яна ўз ўрнига қайтади. Охириги марта Брюнес-Матюяма деб номланувчи геомагнит инверсия тахминан 780 минг йил олдин содир бўлган. Қарийб 250 йил давомида планетанинг магнит майдонлари йўналишини ҳақиқатан ҳам ўзгартирган вақтинчалик бурилиш — Лашамп ҳодисаси эса 41 минг йил олдин юз берган ва минг йилдан камроқ давом этган.

2017-yil 18-mart, № 22 (8983)

ТАКСИ УЧУН МОС РАНГ ҚАЙСИ?

Сингапур, Америка ва Хитой мамлакатлари олимлари "Такси" автомобиллари учун энг хавфли ранг-ни аниқлаганига оид тадқиқот натижалари "Proceedings of the National Academy of Sciences" журналида маълум қилинди.




Маълум бўлишича, ҳар мингта автомобиль орасида айнан кўк рангли уловларда сариқ ранглиларига нисбатан авто-ҳалокатга учраш эҳтимоли 6,1 та (9 фоиз) кўп кузатилакан. Сабаби, кўк рангли машина сариқ ранглисига қараганда кўзга камроқ ташланади. Экспертлар Сингапурдаги энг йирик такси тармогининг йўл-транспорт ҳодисаларига доир 3 йил давомидаги ҳар ойлик статистикасини ўрганиб чиққач, шу хулосага келган.

Мутахассисларнинг қайд этишича, мазкур тадқиқот такси учун ажратилаётган автомобилларга ранг-ни тўғри танлашга ёрдам беради. Бу эса, ўз навбатида, бахтсиз ҳодисалар ҳамда таъмирлаш харажатларининг олдини олади.

ГИПЕРТОНИЯ НЕГА РИВОЖЛАНАДИ?

Россиялик биологлар гипертония (артериядаги қон босими ошиб-тиши)нинг ривожланиш сабабларини аниқлагани ҳақидаги мақола "Experimental Physiology" журналида эълон қилинди.



Россия цитология ва генетика институти олимлари гипертония ривожланишига олиб келувчи асосий сабаблардан бири — бosh ми-я асаб тола-лари ва қон айланиши фаолиятининг бузи-лиши ас-лида эрта ёш давридаёқ рўй бери-шини аниқлади. Мутахассислар кемирувчиларни икки гуруҳга ажрати-б, ўзаро солиштирган ҳолда шун-дай хулосага келди. Биринчи гуруҳдагилар меъ-ёрий артериал қон айланиши, қолганларининг эса туғилганидан кейинги — энди-гина 4–6 ҳаф-талиқ даврда аномал шароитда ривожланиши характерини тадқиқ қилди.

Олимлар кузатиш жараёнида иккинчи гуруҳ кемирувчиларининг биринчи гуруҳдагиларга қараганда артериал қон босими кўрсаткичлари кўтарилгани, шунингдек, бosh ми-я фаолиятида ўзгаришлар рўй берганига гувоҳ бўлди. Хусусан, ички аъзолар ишини бошқариб, тартибга солиб турувчи бosh ми-я асосий қис-мининг эўриқлиши ва фронтал қўбикнинг қисқарганига амин бўлди. Инсонлар-нинг 90–95 фоизда юқори қон босимининг сабаблари яққол кузатилмади. Улар орасида гипертония бosh ми-я, юрак, кўз ва бoshқа тана аъзоларига яши-рин шикаст етказувчи хавфли омиллардан биридир.


Россиялик олимларнинг бу тадқиқоти мазкур касаллиқнинг олдини олишга салмоқли ҳисса қўиши мумкин.

КАРТОШКАНИ СЕРҲОСИЛ ҚИЛИШ УСУЛИ

Россия Фанлар академияси олимлари картошка ҳосилдорлигини оши-риш усулини аниқлади. "Plant Cell Reports" нашрида келтирилишича, бунга унинг кўпроқ ауксин, яъни картошка туганаклари ҳужайраларини ўсишга ундовчи фитогормон ишлаб чиқариши орқали эришиш мумкин.

Ўсимликлар таркибидаги ўзига хос гормон-моддаларнинг турли ҳужайралар ва тўқималарга тушиши уларнинг қанчон ўсиши, гуллаши, ҳосил бериши ва бoshқа муҳим вазифалар бажарили-шини таъминлайди. Олимлар ўсимликларнинг ўсишини тезлаштириш ёки уларни муайян иқлимга мослаштириш учун бундай гормонлар ва улар билан боғлиқ генларни топишга ҳаракат қилди.

Россия ўсимликлар физиологияси инсти-тuti олимлари Россия Фанлар академияси биоорганик кимё институтидagi ҳамкасблари билан биргаликда туганаклари ауксин — ўсим-лик ўсишини жадаллаштирувчи гормонга эга генмодификацияланган картошка-нинг илк намини яратди. Бундай нав ауксин ёрдамида экзотик бактериялар ДНКсидан ажратиб олиниб, кўпайтирилади.



Хавфсизликни, аввало, ўзимиз таъминлаймиз

Инсоният ҳаётининг дастлабки давларида табиий хавф-хатарларга дуч келинган бўлса, жамият тарақ-қий этиши, саноат ва техниканинг ривожланиши билан янгида-янги тех-ноген тусдаги фақуллодда вазият манбалари пайдо бўлди.

Бундай таҳдидларнинг олдини олиш ва улардан муҳофазаланиш, яъни ин-сон ва жамият хавфсизлигини таъмин-лаш устувор масалалардан бири ҳисоб-ланади. Хавф-хатар ер юзидаги ҳар бир инсоннинг ҳаётига дахл қилар экан, хавфсизликка оид билимлар ҳам барча учун асослади. Ёнгин хавфсизлиги хиз-мати ходимларининг асосий вазифаси нафақат содир бўлиши мумкин бўлган ёнгинларнинг олдини олиш, балки аҳоли ўртасида ана шундай кенг қўламли ту-

шунтириш-тарғибот ишларини олиб бериш, шу орқали ёнгинлар сонини ка-майитиришдан иборат.

Таҳлиллар шундан далолат беради-ки, ҳеч бир ёнгин ўз-ўзидан эмас, кўп-инча инсонларнинг лоқайдлиги, бепарво-лиги, ёнгин хавфсизлиги қоидаларига риоя қилмаслиги оқибатида содир бўла-ди. Ҳар бир фуқаро маҳаллада истико-рат қиладими ёки кўп қаватли уйда-ми, болаларни назоратсиз қолдирмаслиги, тамаки қолдиқларини дуч келган жойга ташлаб кетмаслиги ҳамда ёнгин хавф-сизлиги қоидаларига тўлиқ риоя қили-ши зарур. Зеро, ёнгинни ўчиришдан кўра, унинг олдини олиш афзалдир.

**Б.ХОЖИЕВА,
Ш.АСАМОВ,
А.ПАМДОВ,**

Ёнгин хавфсизлиги олий техник мактаби ўқитувчилари



Олимлар ушбу кар-тошка нави ҳужайра-лари қандай ўзгарганини ўрганиб чиқди ҳамда ҳосилдорлик ҳақиқатан ҳам ошганлиги, бу ўсиш-ни-ма билан боғлиқлиги-ни текшириб кўрди. Бу-нинг учун олимлар од-дий ва трансген кар-тошкларнинг ҳужайра-ларида қандай гормонлар борлигини таққослади ва улар пробиркада катта микдорда ауксин ва унинг акси-цито-нинин (ҳужайралар бўлиниши) гормони ҳосил бўлиши-ни кузатди.



Маълум бўлишича, картошка ҳужайраларида бу икки гормоннинг нафақат ўлчам даражаси, балки ҳужайра молекулаларининг ривожланиши ҳам бир-бирдан фарқ қилган. Фақат оддий картошкага бoshқа гормонлар реакция-сига нисбатан ўзгармаган. Мазкур ҳолат картошка ҳосилдорлигини айнан аук-син гени оширганини тасдиқлаган.

Қисқаси, ауксин ёрдамида ўстириш услуби картошка ва бoshқа қишлоқ ҳў-ж-лиги ўсимликларининг жуда тез ўсувчи ёки энг оғир об-ҳаво шароитларига ҳам бардошли янги навларини олишда кўл келади.

МУЗЛАТИЛГАН ОРГАНЛАР БЕЗАРАР ТИКЛАНДИ

Америкалик шифокорлар музлатиб қўйилган тўқима ва органларни илк бор муваффақиятли эритди. Темир оксиди нанозарраларидан фой-даланилгани учун ҳужайра ва ҳужайралараро муҳитга зарар етмади. Бу ҳақда "Science Translational Medicine" манбасига таяниб, "РИА Но-вости" хабар берди.



— Биз биринчи марта биоматериянинг йирик намунасини олиб, ҳароратни бир дақиқада юзлаб даражага кўтариб, тўқималарга зарар етказмаган ҳолда тезда эритиш вазифасини уйдладдик. Бу натижа бизни қувонтирди ва келажакда трансплан-тация учун музлатилган органларнинг кўплаб бан-каларини ярата олишимизга умид уйғотади, — деди Миннесота университети олими Жон Бишоф. — Органларни қўчириб ўтқизишнинг асосий муам-моларидан бири улар, жумладан, юрак, жигар ва буйракларнинг тирик танадан ташқарида узок яша-маслигидир.

Ж.Бишофнинг маълум қилишича, бу муаммонинг ечими равшан — органлар-ни музлатиб қўйиш ва фақат зарурат пайдо бўлгандагина эритиш талаб этила-ди. Бироқ органлар оддий усул билан музлатилганда, тўқималар ва уларнинг ҳужайраларида сув кристаллари шакллана бошлайди ва ҳужайралар мембра-насини парчалаб, ҳаракатдан тўхтади.

Музлатилган органларни эритишда тўқималар бир текис қизимайди, оқибат-да улар парчаланиб кета бошлайди. Миннесота университети олимлари бу муаммо ечимини нанозарралар дунёсидан топди. Нанозарралар бир дақиқада ҳароратни минус 160 даражадан хона иқлимига ошириб, ҳужайраларга зарар етказмасдан органларни эритиш имконини беради.

Дилшод РЎЗИҚУЛОВ
тайёрлади.

Камолиддин Бехзод номидаги Миллий рассомлик ва дизайн институти кафедралар бўйича қуйидаги лавозимларга танлов эълон қилади:

"Дастгоҳли рангтасвир" кафедраси 1. Доцент.	"Маҳобатли рангтасвир" кафедраси 1. Доцент. 2. Ўқитувчи.
"Музейшунослик" кафедраси 1. Катта ўқитувчи	"Бадий кулол ва меъморий ёдгорликлар безагини таъмирлаш" кафедраси 1. Доцент
"Театр беази рангтасвири" кафедраси 1. Доцент. 2. Катта ўқитувчи. 3. Ўқитувчи.	"Миниатюра ва китоб графикаси" кафедраси 1. Доцент. 2. Катта ўқитувчи.
"Ижтимоий фанлар" кафедраси 1. Профессор. 2. Доцент.	"Амалий графика" кафедраси 1. Доцент. 2. Катта ўқитувчи.
"Чизматасвир" кафедраси 1. Доцент.	

Танловда иштирок этувчилар қуйидаги ҳужжатларни тақдим қилиш-лари лозим:

- институт ректори номига ариза;
- ходимлар шахсий варақаси;
- олий маълумоти, илмий даражаси, илмий унвони ҳақидаги диплом ва аттестатларнинг нусхалари;
- илмий ва ўқув-методик ишлари, ҳисоботлар, ижодий ишлар рўйхати, ижодий ишлар фотоальбоми, каталоглар.

Ҳужжатлар эълон чиққан кундан бошлаб бир ой муддат ичида институтнинг ходимлар бўлими томонидан қабул қилинади.

Манзилими: Тошкент шаҳри, Миробод тумани, Мироншоҳ кўча-си, 123-уй. Тел.: 255-96-67, 255-18-92.

Бизга яқин “бегона ўт”лар

вужудимизга қувват, руҳиятимизга
тетиклик бахш этади

Баҳор фасли одамзод учун битмас-туганмас илҳом манбаи бўлиб, ундан завқ-шавқ олгани сайин инсоннинг ҳаётига муҳаббати ортади. Айниқса, наботот оламнинг бетакрор, нафис тухфалари бўлмиш алвон гул-чечаклар, минг дардга даво гиёҳлар оламга гўзаллик билан бирга, кўтаринки кайфият улашади. Она заминдаги барча мавжудотлар, наботот ва ҳайвонот олами бир-биридан қувват олиб, яшаради.

Хар йили эрта баҳорда аксарият кишиларда беҳоллик, уйқучанлик, мушаклар бўшашиши, баъзан тушқунлик кузатилади. Кўпни кўрган мўсафидларимиз буни “Илик узилди” палласи аломатлари дейишади. Илмий тиббиётда эса авитаминоз деб аталиб, аслида бир-бир касаллик белгиси эмас.

Бу палладан осон ўтиш учун бувионаларимиз жағ-жағ, ялпиз, момайкамоқ (қоқийт), беда, исмалок, мадор, кўклиёз сингари баҳорий кўкатлардан хоним, манти, чучвара, сомсалар, шунингдек, ток баргидан дўлмали таомлар тайёрлаб, дастурхонимизга тортиқ этадилар. Бундай таомлар шифобахшлиги ва тўйимлиги билан танамизга куч-қувват бахш этиб, турли хасталикларнинг олдини олишга ёрдам беради. Булардан ташқари яна шундай хосият-ли баҳорий гиёҳлар борки, гарчи маза-ли таомларга ишлатилмаса-да, улардан тайёрланган дамламалар, қайнатмалар кимёвий синтез йўли билан олинмаганди сунъий препаратлардан анча афзал бўлиб, организмга асосатсиз шифобахш таъсир этади. Серкўёш юртимиз азалдан ана шундай шифобахш гиёҳларга бой бўлиб, ястаниб ётган фушункор тоғлар, жазирача қумлиқлари, беповён дашту далалари ёки дарё ва сойлар қирғоқларидан уларни исталганча топиш мумкин. Қуйида улардан баъзилари ҳақида маълумот берамиз.

Оққалдирмоқ, оддий оққалдирмоқ (қўка). Мураккабгулдошлар оиласига мансуб кўп йиллик ўсимлик бўлиб, ап-

рель-май ойларида гуллади. Гуллари сариқ рангли. Оққалдирмоқ барглари таркибида фойдали турли органик кислоталар, флавоноидлар, витаминлар, эфир мойи ва ошловчи моддалар бор. Халқ табибатида оққалдирмоқнинг барги ва гулидан тайёрланган дамлама ёки қайнатма нафас йўли, меъда-ичак, буйрак касалликларида яллиғланишга қарши таъсир этувчи, балғам кўчирувчи, кўкракни юмшатувчи сифатида қўлланилади. Янги йиғилган барглари эзлиб, яра ва чипқонларга боғланади. Буюқ табиб Абу Али ибн Сино нафас олиш қийинлашиб, кўкрак огриганда, нафас йўллари яллиғланганда оққалдирмоқ барги дамламасидан балғам кўчирувчи сифатида фойдаланган.

Зубтурум, катта зубтурум (баргизуб). Зубтурумдошлар оиласига мансуб бўлиб, май ойидан бошлаб гуллади ва мевалари август-сентябрда етилади. Юртимизда зубтурумнинг беш тури ўсади. Тошкент, Самарқанд, Фарғона, Андижон, Бухоро, Сурхондарё, Хоразм вилоятлари ва Қорақалпоғистонда бу гиёҳ ариқлар, булоқ бўйлари, дарё соhillари, боғ ва экинзорларда бегона ўт сифатида ўсади. Зубтурум барги таркибида аюкубин гликозиди, аччиқ, ошловчи ва шиллик моддалар, флавоноидлар, витаминлар, аскорбин ва лимон кислоталари мавжудлиги аниқланган. Абу Али ибн Сино баргизуб билан тузалиши қийин бўлган яра ва жароҳатларни, хавфли ўсма ва шишларни, жигар, буйрак, кўз касалликларини даволаган. Зубтурумнинг кон тўхтатувчи хусусияти ўша даврларда ҳам маълум бўлган. Илмий тиббиётда “Зубтурум шарбати” ва плантаглоид деб номланган препарат амалий тиббиётга меъда-ичак касалликларини даволаш учун тавсия этилган ҳамда яллиғланишга қарши ва балғам кўчирувчи восита сифатида йўталда ишлатилган чойлар-йиғмалар таркибига киради.

Темиртикан (ер бағирлаган темиртикан). Ер бағирлаб, ёйилиб ўсадиган бир йиллик ўсимлик бўлиб, апрель-май ойларида гуллади. Ўзбекистоннинг деярли барча вилоятларида бу гиёҳ кенг тарқалган. Асосан йўл ёқалари, дарё ва сой бўйлари, чала чўллар ва жўхоризорлар орасида ўсади. Бу ўсимлик захарли бўлиб, уни еган кўйлар кўзи огриб, ёруғликка қарай олмайд. Гиёҳнинг ер устки қисмида сапонинлар, алкалоидлар, флавоноид, кумарин, витамин ва ошловчи моддалар мавжуд. Шарқ, Тибет, Хитой ва Марказий Осиё халқлари табобатида темиртикан ўтидан тайёрланган қайнатма ва дамламалар тетиклаштирувчи, пешоб ҳайдовчи, сурги дори, сўзак, кўз ва бош огригига малҳам сифатида ишлатилган. Замонавий табобатда бу ўсимликдан ажратилган гликозидлар йиғиндиси трибуспонин антисклеротик таъсирга эга бўлиб, гипертония ва стенокардия хасталикларини даволашда юқори самара беради. Трибуспонини препаратни қондаги қанд миқдорини камайтирадиган дори-лар билан бирга қандли диабетни даволашда ҳам ишлатилади.

Себарга, ўтлоқ себаргаси (қушқароқ). Бурчқошлар оиласига мансуб кўп йиллик ўсимлик бўлиб, апрель-сентябрь ойларида гуллади. Меваси июнь-октябрда етилади. Ўсимлик асосан текис, сернам ерларда ўсгани учун ўтлоқи маъносидан изоҳланади. Ўтлоқ себаргасининг ер устки қисми таркибида С ва В витаминлари, каротиноид, кумарин, флавоноидлар, қанд, антоцианлар, салицилат ва бошқа органик кислоталар, шиллик, ошловчи ва бошқа моддалар борлиги аниқланган.

Себаргадан табобатда қадимдан турли хасталикларни даволашда фойдаланилган. Абу Али ибн Сино гиёҳнинг қуритилмаган ер устки қисми шираси билан яраларни ва кўзга тушган оқларни даволаган. Шунингдек, ер устки қисмидан тайёрланган қайнатмасини пешоб йўллари хасталигига малҳам сифатида ишлатган. Ўтлоқ себаргасининг гули ва ер устки қисмидан тайёрланган қайнатмаси ёки дамламаси халқ табибатида астма, кўйгул, кўкрак қисми, камқонлик, гипертония, безгак, меъда яраси, куйиш, хавфли шишлар ва шамоллашни даволашда ҳамда балғам кўчирувчи, пешоб ҳайдовчи ва антисептик дори сифатида қўлланади. Қуритилган барг шираси ширинчага даво бўлади. Эзилган барги эса яра ва шишларга боғланади.

Илмий тиббиётда себарганинг ер устки қисми пешоб ҳайдовчи восита сифа-

тида ишлатишга тавсия этилган (унинг кучли таъсири борлиги тажрибада аниқланган). Бу гиёҳнинг ер устки қисмидан олинган трибуспонин препарати қонда холестерин кўпайганда ҳамда атеросклерознинг олдини олиш ва даволашда қўлланади.

Ўсма. Ўзбекистонда ўсманнинг 17 тури учрайди. Хонадонларда ўсманнинг асосан “Боғ нили” деб аталадиган тури экилади. Бу ўсимлик қадимда тери касалликларини даволашда ишлатилган. Ўсmani азалдан Шарқ халқлари, айниқса, Марказий Осиё аҳолиси алоҳида қадрлайди. У фақат қош ва киприкларга зеб бериб, кўрк бағишлагина қолмай, минг йиллар давомида қатор касалликлар давоси сифатида ҳам табобатда кенг қўлланади. Ўсманнинг баъзи турлари зотилжам (плеврит), сарамас (рожа), куйиш, жароҳатланишга даво сифатида тавсия этилган. Табиблар ўсма уруғини асалга аралаштириб, кўз ёшланишга қарши малҳам тарқасида ишлатган. Ўсма сувининг арпа унига аралаштирилгани учуқ ҳамда хавфли ўсма-лар авж олишига тўсқинлик қилади. Ўсма сувига қорилган хамир танамизга кирган зирпачанинг тезроқ чиқишига ёрдам беради.

Ўзбек хонадонларида азалдан ўсманнинг яна бир аjoyиб хислатидан фойдаланилади. Мабодо гўдақнинг сочи сийрак ва нимжон, рангпар бўлса, ўсма шарбатига қораталоқ бўтқаси аралаштириб, бошига авайлаб боғланган. Ўсманнинг хусн берувчи табиий жило-бахш хусусияти барчага аён, у ҳатто замонавий кимёвий бўёқ ва қаламлардан бир неча баробар афзал ҳам. Шу боис уни эъзозлаб, “Нили гиё” деб фусункор Нил дарёсига қийсалди-лар. Буюқ аллома Абу Райхон Берунийнинг “Китоб ас-сайдана фит тиб” асарида ўсма “васма” сўздан келиб чиққани, “гўзаллик” маъносини билдириши қайд этилган.

Она заминимизда ўсаятган ўт-ўланларнинг минглаб турлари мавжуд бўлиб, шифобахш хусусиятлари бисёрлиги тufайли уларнинг ҳеч қайсисини бегона ўт дея олмаймиз. Табиатнинг бу бебаҳо яшил хазинаси неъматларидан қайнатма, дамлама ёки бошқа бирор малҳам тайёрлаб фойдаланишдан аввал мутахассис шифокор билан маслаҳатлашиш, унинг тавсиясига амал қилиш лозим. Шунда сизга инъом этилган умрни соғлом ва тетик, куч-қувватга тўлиб, мазмунли ўтказиш имкониятингиз кенгайди.

Марҳамат МАТВАФОЕВА,
биология фанлари номзоди

Астрономияда “баҳорги ва кузги тенгқунлик” ҳамда “ёзги ва қишқи қуёш туришлари” деган истилоҳлар мавжуд. Тенгқунлик ва қуёш туришлари йил фасллрининг алмашинувиини белгилайди. Биз бу ўринда асосан “баҳорги тенгқунлик” тўғрисида сўз юритамиз.

Таъкидлаш жоизки, мураккаб математик ҳисоблашларни ва узоқ йиллар давомиде муттасил кузатишлар олиб боришни талаб этувчи тенгқунликларни одамлар миллоддан анча олдин, қарийб ибтидоий жамоа давридан билган. Вақтни қуёш соати ёки қум соатига қараб аниқлаб юрган одамзод осмон жисмларининг ҳаракат қонунлари тўғрисидаги маълумотларни қаердан олган экан?

Ана шу қарийб ибтидоий даврлардан бошлаб одамлар ҳар йили (ҳозирги тақвим бўйича) гоҳ 20, гоҳ 21 мартда Қуёш олам марказидан ўтишини ҳамда Ер юзиде иқлим ўзгаришлари содир бўлишини билган. Шарқ мамлакатларининг кўпида бу кун “Наврўз” деб аталган ва байрамона нишонланган. Баъзи тарихий манбаларнинг кўрсатишича, бу байрамнинг ёши етти минг йиллар атрофида. Форсийларнинг қадимий йил ҳисоби бўйича фарвардин ойининг биринчи кунин Наврўз деб ҳисобланган ва байрам қилин-

ган. Бу бизнинг ҳозирги тақвимимиз бўйича 21 (баъзан 20) мартга тўғри келади. Қуёш худди ана шу кунини ўзининг йиллик кўринма ҳаракатида осмон экваторини кесиб ўтади. Бу астрономияда баҳорги тенгқунлик дейилади. Шу кундан кундузлар узайиб, кечалар қисқаради. Бу жара-дан 22 июнгача давом этади. Хар йили 22 июнда ёзги қуёш туриши содир бўлиб, кундуз энг узоқ давом этади. 23 июндан кечалар узайиб, кундузлар қисқара боради. 22 (23) сентябрда кеча ва кундуз тенглашади. Бу кузги тенгқунлик дейилади. Қадимда бу кун ҳам байрам қилинган. Марказий Осиёда Меҳржон ёки Ҳосил байрами деб номланган. 23 (24) сентябрдан кечалар яна чўзилиб, 22 (баъзан 23) декабрда энг узоқ тун бўлади. Бу кун қишқи қуёш туриши дейилади. 23 (24) декабрдан кундузлар узая боради ва 21 (20) мартда кеча ва кундуз тенглашади. Қуёш шу кунин Хут (балик) юлдуз туркумида бўла-

ди. 21 (баъзан 22) мартдан Қуёш Ҳамал (қўй) юлдуз туркумига кира бошлайди.

Наврўзнинг кўп асрлардан бери нишонланишини на ижтимоий тузумлар, на манфатлар тўқнашуви бекор қила олган. Чунки Наврўз — Қуёш ўзининг йиллик кўринма ҳаракати даврида осмон экваторидан ўтадиган паллага тўғри келади. Ўз даврида бу байрамни йўқотишга коммунистик мафкура ҳам уриниб кўрди. Наврўзни диний байрам ҳисоблаб, бошқа ман этилган маросимлар қаторига қўшиб қўйишди. Бунга бир мисол келтирай.

Бундан 31 йил муқаддам мен мактабда физика ва астрономиядан дарс берар эдим. 20 март кунини ўзим раҳбарлик қиладиган синф ўқувчилари билан одатдагидек синф мажлисини ўтказдим. Йиғилиш якунида:

— Эртага — 21 март, учинчи соат астрономия дarsi бўла-

ди, биласизлар-а? — дедим бу сананинг байрамлиги ёдига тушиб, гапимни давом эттирдим. — Болалар, 21 март — Наврўз байрами кунин. Байрам муносабати билан бир кунга мактаб формасида эмас, миллий кийимларда келишимизга рухсат бераман. Бу байрамнинг астрономия дarsига алоқаси тўғрисида эса эртага гаплашамиз.

Мажлис тугади. Ҳамма тарқалди. Эртасига биринчи соат дарсим бўлмагани учун ишга эмин-эркин келдим. Синфимнинг давоматидан хабар олгани борсам, жимжит — бирорта ўқувчи йўқ. Синфда дарс берадиган ўқитувчининг бир ўзи ўтирибди.

— Болалар қани? — деган саволимга ўқитувчи кўзини чакчайтириб:

— Буни директордан сўрайсиз, — деди.

Директорнинг хонасига

югурдим. У мени кўриши билан ўшқириб кетди:

— Меңда нима қасднингиз бор эди, сизга нима ёмонлик қилган эдим? Мени ишдан ҳайдатмоқчи бўлдингизми?..

Маълум бўлишича, ўқувчиларим мактаб формасида эмас, миллий либосларда келибди. Дарсга кирган ҳалиги ўқитувчи буни директорга оқизмай-то-мизмай етказибди. Бўёғи эса тушунарли. Бирок ҳаммаси яхшилик билан тугади. Кўнглимда доғ қолдирган бўлса-да, бу ишим учун меңга жиддий чора кўришмади. Шундан буён хар йили Наврўз байрами яқинлашганда ўша воқеа эсимга тушади. Қўрқа ва қадрдон байраминизни қайтариб бергани учун мустикалликдан кўнглимда беҳад миннатдорлик туяман.

Шерназар ҚўШАНАЗАРОВ,
Тошкент давлат шарқшунослик институти қошидаги
Олмазор академик лицейи
ўқитувчиси

Халқ меҳридан яралган байрам

Нафосат оламининг нафис мусобақаси

Пойтахтимизнинг Юнусобод туманидаги «Саховат спорт сервис» соғломлаштириш мажмуасида «Нафосат олами» шiori остида олтинчи марта «Соғлом авлод учун» кубоги фестивали ўтказилди.

Тадбирнинг очилиш қисмида сўзга чиққан Жисмоний тарбия ва спорт давлат қўмитаси раиси ўринбосари Фарҳод Турдиев, «Соғлом авлод учун» халқаро хайрия фонди бошқаруви раиси Светлана Иномова, Ўзбекистон сув спорти федерацияси бош қотиби Алишер Ганиев ва бошқалар мамлакатимизда ёш авлод учун ҳар томонлама етук ҳамда баркамол этиб вояга етказиш,

уларнинг иқтидорини тўла намоён этиши учун зарур шароитлар яратилганлиги, болалар ва ўсмирлар спортини ривожлантиришга алоҳида эътибор қаратилаётганини таъкидлади.

Болалар спортини ривожлантириш жамғармаси ва қатор ташкилотлар ҳамкорлигида ўқувчи-ёшларни спорт билан шуғулланишга кенг жалб этиш орқали уларнинг бўш вақтини мазмунли

ўтказишини таъминлаш, айниқса, қизларнинг соғлом улғайишига қўмаклашиш каби мақсадларни қўзлаб ташкил этилган фестивалда 2006–2011 йилларда туғилган 150 нафардан ортиқ ўғил-қиз синхрон сузиш, спорт рақси ва сувга сакраш бўйича беллашди.

— Икки йилдан буюн туманимиздаги 1-Болалар ва ўсмирлар спорт мактабида сузиш, сувга сакраш билан шуғулланаман, — деди Шайхонтохур туманидаги 276-умумтаълим мактабининг 8-синф ўқувчиси Рихси-гул Тўхтамуродова. — Бу масканда қишин-ёзин

мунтазам машғулот олиб бориш учун барча шароит мавжуд. Тўйиб нафас олгач, сувга шўнғиш, турли мураккаб элементларни муваффақиятли ижро этиш, узок масофага қисқа фурсатда сузиш сирларини тажрибали мураббийлардан ўргана-япман. Спорт имунитетимизни мустаҳкамлайди.

Наврўз байрами муносабати билан ўтказилган мусобақада ғолиб ва совриндорлар аниқланиб, уларга ташкилотчиларнинг диплом ва эсдалик совғалари берилди.

Дилшод РЎЗИКУЛОВ,
«Ma'rifat» мухбири

Соғлом болалар тўғарақда чиниқмоқда

Фарзандларини соғлом ва етук қилиб вояга етказиш ҳар бир ота-онанинг орзуси. Бунинг учун ўғил-қизларнинг жисмоний ва маънавий камолотига болалигиданоқ эътибор қаратиб, турли фан ва спорт тўғарақларига беришнинг аҳамияти катта, албатта.

Ана шундай юртошларимиздан бири, жонқуяр она Раъно Бекбоевани Дўстлик туманида яхши таънашади. Унинг қизлари Гулноза ва Фазилат Холбўтаевалар бошланғич синфда ўқийди. Аммо улар туман марказидаги болалар ва ўсмирлар спорт мактабининг бадий гимнастика тўғарақига қатнашни аллақачон бошлаб юборган. Дарвоқе, сузиш ҳавасига эга мазкур иншоот қурилишига 6 миллиард 150 миллион сўм маблағ сарфланган. Бу, албатта, ёш авлодга кўрсатилаётган ғамхўрлик ифодаси.

— Қизларнинг бадий гимнастика тўғарақига шуғулланиб, маҳоратини ошириши бугунги давр талаби, — деди Р.Бекбоева. — Қолаверса, бунинг учун юртимизда кенг имкониятлар яратилган. Айниқса, қизларни спортга кенг жалб этишга алоҳида эътибор берилган. Чунки аёллари соғлом юртнинг насли ҳам соғлом бўлади. Қизларига келсак, ўтган йилнинг март ойида фойдаланишга топширилган туман болалар ва ўсмирлар спорт мактабида мириқиб спорт билан шуғулланган. Уларнинг, атрофдаги жажжи қизалоқларнинг қувончли кўзларини, хатти-ҳаракатларини кўриб, ҳавасим келади.

Бу спорт масканидан миннатдор ота-оналар талайгина. Гулноза ва Фазилат ҳам ўз устозидан,

унинг сабоқларидан рози. Тажрибали мураббий Шахноза Жалилова шогирдларига бадий гимнастика сир-асрорини кунт билан ўргатиб, ўқув машғулотларини меъёрий ҳужжатлар асосида, қизларнинг ёшига мос равишда ўтишга интилади. Опа-сингил спортсеварлар булава, ҳалқа, тасма ва қотқот ёрдамида турли гимнастика машқларини бажармоқда.

Масканда бутун 8 та спорт тўғарақи машғулотлари мунтазам ўтказилмоқда. Хусусан, енгил атлетика, стол теннис, сузиш, бадий гимнастика тўғарақларига қатнаётганлар орасида бошланғич синф ўқувчилари кўпчиликини, аниқроғи, 652 нафарни ташкил этади. Спорт тўғарақларида Ўзбекистон Республикасида хизмат кўрсатган мураббий Абдумутал Ҳусанов ва Сирожиддин Боймуродов, Орзимурад Карвончи каби тажрибали устозлар ўқувчиларнинг ҳар жиҳатдан камол топиши учун ўз билим ҳамда тажрибасини аямайди. Бадий гимнастика тўғарақига эса 20 дан зиёд қиз қатнайди. Уларнинг сафи кун сайин ошаётгани ҳам бор гап.

Шу ўринда қизларни оммавий спорт турлари билан шуғулланишга жалб этиш борасида вилот микёсида амалга оширилаётган ишлар ҳақида тўхталиб ўтсак. Айни кез вилотда 116 нафар тажрибали аёл мураббий фаолияти муносиб тақдирланиб, уларга устама

ҳақ белгиланган. Бундай рағбатдан илҳомланган аёл мураббийлар ўз устида янада кўпроқ ишлаб, шогирдлар тарбиясига жиддий эътибор қаратмоқда. Натияжада фақат бадий гимнастика билан шуғулланаётган қизларнинг сони 4990 нафарга етди. Айтганча, яқинда Хотин-қизлар байрами муносабати билан спортга илк қадам қўйган ва кам таъминланган оилалар қизларининг 5309 нафарига спорт формалари — Президент совғаси тарқатилди.

Спорт билан шуғулланган болалар касал бўлмайдилар. Буни вилот ёшлари кўрсаткичлари мисолида ҳам кўриш мумкин. Кейинги йилларда спорт билан шуғулланаётган 10—15 ёшли ўсмирлар ўртасида вирусли инфекциялар билан касалланиш 28 фоизга камайди. Қизларнинг бўйи 7 ёшдагиларда 2,5 ва 10 ёшдагиларда қарийб 2 сантиметрга ўсиб, вазни мос равишда 2,5—6,5 килограммга ортди. Бу кўрсаткичлар Жаҳон соғлиқни сақлаш ташкилоти стандартларига тўла мос келиши янада қувонарлидир.

Ҳа, бугунги шароитлар, юксак имкониятлар, аввало, ота-оналаримиз кўзининг оқу қораси — ёш авлод камолотига қаратилган. Унинг қўтилган самара бериши эса ўқитувчиларимиз, мураббийларимизнинг ўз ишига бўлган муносабатига боғлиқ эканини унутмаслик лозим. Зеро, спорт тўғарақлари ёшларнинг чиниқиб, ҳам маънан, ҳам жисмонан соғлом улғайишига хизмат қилиши зарур.

Абдусаттор СОДИКОВ

Ёшлар ижод саройида «Биз соғлом турмуш тарзи тарафдоримиз!» шiori остида «Камолот» шахмат тахтаси» Х аънавий республика турнининг Тошкент шаҳар босқичи бўлиб ўтди.

«Камолот» ЁИХ шаҳар кенгаши, ўрта махсус, касб-хунар таълими ҳамда халқ таълими бош бошқармалари, Болалар спортини ривожлантириш жамғармаси Тошкент шаҳар филиали ҳамкорлигида ўтказилган мусобақада 8, 12, 14 ва 16 ёшгача ҳамда 19 дан катта бўлмаган ёш тоифасида 110 нафар умидли шахматчи ўзаро беллашди. Ушбу «ақл гимнастикаси» баҳсларининг қўйи босқичларида эса пойтахтимиздаги 287 та умумтаълим мактаби, 118 та ўрта махсус, касб-

«Ақл гимнастикаси» баҳслари

хунар таълими муассасасининг 23 минг(2016 йили 22 минг)дан ортиқ ҳаваскор ўқувчилари ўз маҳоратини синовдан ўтказди.

Беллашув ўқувчиларнинг бўш вақтини мазмунли ташкил этишга қўмаклашиш, улар ўртасида шахмат ўйинини кенг тарғиб қилиш, ёш спортчиларни рағбатлантириш ва соғлом турмуш тарзини қарор топтириш мақсадига қаратилгани билан аҳамиятлидир. Шунингдек, ушбу мусобақа ёш ҳаваскор шахматчиларни ҳар томонлама қўлаб-қувватлаш, уларнинг профессионал спортга дадил қадамлар билан кириб келишида муҳим омил бўлмоқда.

Қизгин руҳда ўтган турнир якунида 8 ёшгача қизлар ўртасида Мафтуна Одилбекова, ўғил болалар ўртасида Муҳаммадзоҳид Суяров 1-уринни эгаллади. 12 ёшлилар ўртасида эса Миразиз Эргашев ва Дурдона Акбаровга тенг келадигани топилади.

14 ёшгача бўлган тоифада донна сурган Нодир Тошнйёзов ва Мунира Зоҳидова ғолиблар сафидан жой олган бўлса, Муслимбек Абдурахимов, Сарвиноз Қиличова 16 ёшгача тоифада ғолиб бўлди. Даврон Анваров ва Мухлиса Санокүлова эса 19 ёшгача ғолиблар сафини тўлдирди. Энди улар мусобақанинг республика босқичида Тошкент шаҳри шарафини ҳимоя қилади.

Мусобақа ғолиб ва совриндорлари турли номинациялар бўйича диплом ва эсдалик совғалар билан тақдирланди.

Жасур ТОЖИБОВ

Ёнғинга бардошли қурилиш материаллари

хавфсизлиқ кафолатидир

Юртимизда бунёд этилаётган янги тилдаги замонавий аҳоли тураржойлари, турли бино ва саноат объектларини қуриш ҳамда реконструкция қилишда фойдаланилаётган қурилиш материалларининг ёнғин хавфсизлигини таъминлашга алоҳида эътибор қаратилмоқда. Ички ишлар вазирлиги Ёнғин хавфсизлиги олий техник мактабида бўлиб ўтган «Ёнғинга хавфсиз қурилиш материаллари — хавфсизлик пойдевори» мавзусидаги республика илмий-амалий анжуманида шу ҳақда сўз юритилди. Тадбир кун тартибидан қурилиш матери-

ларининг ёнғин хавфсизлигини таъминлаш, турли нохуш ҳолатларнинг олдини олиш ва бу борада олиб борилаётган илмий тадқиқот ишларини янада жадаллаштириш ва ҳаётга кенг татбиқ этиш масалалари ўрин олди. Анжуманда, шунингдек, олим ва мутахассислар шу пайтгача эришилган замонавий илмий-амалий натижалар, юзга келаётган муаммолар ечими борасида ўзаро фикр алмашишди.

Баҳром ИБРОҲИМОВ,
подполковник,
Мавлонбек ДОСЧАНОВ,
катта лейтенант

Ватанпарвар ёшлар келажаги эътиборда

Миллий матбуот марказида «Муддатли ҳарбий хизматдан резервга бўшатиш ёшларнинг бандлиги, олий таълим муассасаларига ўқишга қабул қилиниши тахлиллари» мавзусида матбуот анжумани ўтказилди.

Унда Мудофаа ва Мехнат вазирликлари вакиллари, республика ҳарбий прокуратураси, олий ҳарбий таълим муассасалари офицерлари, мудофаа ишлари бошқармалари масъул ходимлари ва журналистлар иштирок этди.

Тадбирда сўзга чиққанлар муддатли ҳарбий хизматдан резервга бўшатиш ёшларни муқим иш ўрни билан таъминлаш, уларнинг олий ҳарбий ва олий таълим

муассасаларига ўқишга қабул қилинишида амалий ёрдам кўрсатиш бўйича жойлардаги мудофаа ишлари бошқарма ва бўлимларида бир қатор чора-тадбирлар амалга оширилаётганини таъкидлади.

— Юртимиз мустақилликка эришгач, замонавий қурул-яроғ ва техника билан таъминланган, мамлакатимиз чегаралари, халқимизнинг осойишта ҳаётини ишончли ҳимоя қилишга қодир

миллий армияга эга бўлди, — деди Мудофаа вазирлиги бошқарма бошлиғи Улугбек Қоди-ров. — Шунингдек, муддатли ҳарбий хизматдан резервга бўшатиш ёшларнинг бандлигини таъминлаш, олий ҳарбий таълим муассасасига ўқишга қабул қилиш учун муносиб номзодлар тайёрлаш тизимини ислоҳ этишга алоҳида эътибор қаратилмоқда. Жумладан, 2017 йил 15 март ҳолатига кўра, муддатли ҳарбий хизматдан резервга бўшатиш ёшлардан 5020 нафарига олий таълим муассасаларига кириш учун ҳарбий қисм қўмондонликларининг

тавсияномалари берилди. 793 нафари иш билан таъминланди, 134 нафари шартнома асосида ҳарбий хизматга қа-қирилди, 184 нафарини шартнома асосида ҳарбий хизматга қақирриш юзасидан тегишли ҳужжатлар расмийлаштирилмоқда. 927 нафари олий, 243 нафари олий ҳарбий таълим муассасаларига ўқишга кириш учун тайёргарлик кўрмоқда.

Анжуманда журналистлар ўз саволларига вазирлиқлар ходимларидан жавоб олишди.

Дилшод РЎЗИКУЛОВ,
«Ma'rifat» мухбири

Низомий номидаги Тошкент давлат педагогика университети ректорати, профессор-ўқитувчилари ва талабалари жамоаси университетнинг «Умумий математика» кафедраси профессори, Ўзбекистон Республикасида хизмат кўрсатган халқ таълими ходими Маматсоли Мадиримовни 70 ёшга тўлгани ҳамда университетдаги узлуксиз илмий-педагогик фаолиятининг 50 йиллиги муносабати билан самимий му-уборак-бод этади!

Муҳтарам устоз! Сизга узок умр, мустаҳкам соғлиқ тилаймиз!

Низомий номидаги ТДПУ жамоаси





«ELXOLDING»
илмий ишлаб чиқариш бирлашмаси

Барча юрtdошларимизни
баҳор байрами — НАВРЎЗ
билан самимий қутлаймиз!
Оилаңизни шодлик, бахт-
саодат, тинчлик ва
осойишталик тарқ
этмасин!
Наврўз хонадонингизга қут-
барака олиб кирсин.
Жонажон юртимиз равнақи
йўлидаги меҳнатларингиз
самарали, ҳаётингиз омад ва
зафарларга тўла бўлсин!



Манзилимиз: Самарқанд шаҳри, Гагарин кўчаси, 36-уй
Телефонлар: 99866 234-22-72, +99866 234-25-13



Хизматлар лицензияланган.

Ma'rifat

ТА'СИС
ЕТУВЧИЛАР:

Ўзбекистон Халқ та'лими вазирлиги,
Ўзбекистон Олий ва о'рта maxsus
та'лим вазирлиги, Ўзбекистон
Та'лим, fan va madaniyat
xodimlari kasaba uyushmasi
Respublika kengashi.

Бosh муharrir Abdusamat RAHIMOV

Gazeta Ўзбекистон Matbuot va axborot agentligida
2006-yil 22-dekabrda 0067-raqam bilan ro'yxatga
olingan. Indeks: 149, 150. Г-315. Tiraj 58165.
Hajmi 4 bosma taboq. Ofset usulida bosilgan,
qog'oz bichimi A-3. Bahosi sotuvda erkin narxda.

ТЕЛЕФОНЛАР:
qabulxona — 233-50-55;
kotibiyat — 233-99-15;
reklama va marketing bo'limi —
233-42-92(faks), 236-54-17.



«Ma'rifat» dan
materiallarni ko'chirib
bosish tahririyat
ruxsati bilan amalga
oshirilishi shart.

Tahririyatga kelgan
qo'lyozmalar taqriz
qilinmaydi va muallifga
qaytarilmaydi.

«Sharq» nashriyot-matbaa aksiyadorlik kompaniyasi boshmaxonasi.
Korxona manzili: Buyuk Turon ko'chasi, 41-uy.
O'zA yakuni — 21.40 Topshirildi — 22.30

MANZILIMIZ:
100083, Toshkent shahri,
Matbuotchilar ko'chasi, 32-uy.
Web-site: www.marifat.uz

Dizaynerlar:
Malohat TOSHOVA, Faxriddin RAHIMOV.
Navbatchi muharrir:
Hayriddinmurod ABULFAYZOV
Navbatchi:
Bobomurod XUDOYBERDIYEV.